

624.31

Э-45



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ “ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТ”

КАБИНЕТ МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ГОСУДАРСТВЕННАЯ ИНСПЕКЦИЯ ПО НАДЗОРУ
В ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИКЕ “УЗГОСЭНЕРГОНАДЗОР”

ЭЛЕКТР ВА ИССИҚЛИК
ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ
Қ О И Д А Л А Р И

(Расмий нашр)

П Р А В И Л А
ПОЛЬЗОВАНИЯ ЭЛЕКТРИЧЕСКОЙ
И ТЕПЛОВОЙ ЭНЕРГИЕЙ

(Официальное издание)

621.31
9-45

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
"ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТ"

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Мақамасининг
22.08.2009 й. 245 - сон
қарори билан тасдиқланган

**ЭЛЕКТР ВА ИССИҚЛИК
ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ
Қ О Й Д А Л А Р И**

(Расмий нашр)



Тошкент - 2009

Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қондалари / А.Ж.Ниматуллаев, А.И.Усманов ва А.Ю.Тўраевнинг умумий таҳрири остида/ - бет

Мазкур қондалар электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш тартибини белгилаб беради ва ҳудудий электр ва иссиқлик тармоқлари корхоналарининг электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларини тартибга солади ва улар учун мажбурий бўлиб ҳисобланади.

Қондалар, шунингдек, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, истеъмолчилардан электр энергияси учун тўловларни йиғиш функцияларини бажарувчи хусусий операторлар учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

Қондалар ҳудудий электр ва иссиқлик тармоқлари корхоналарининг ходимлари (хусусий операторлар) ҳамда электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчилари учун мўлжалланган.

Мазкур қондалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади.

Ушбу қондалар "Ўздавэнергоазорат" инспекциясининг ёзма рухсатисиз тўлиқ ёки қисман қайта ишлаб чиқирилиши, кўпайтирилиши ва тарқатилиши мумкин эмас.

СЎЗБОШИ

Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари (бундан кейин - қоидалар) Электр энергетикада назорат бўйича "Ўздавэнергоназорат" давлат инспекцияси томонидан ишлаб чиқилган.

Қоидаларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефткимё ва металлургия масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаменти (Д.А.Турғунов, У.У.Эгамбердиев), "Ўзбекэнерго" ДАК (А.Х.Файзиев, М.Х.Хакимов, Я.Н.Хожиев, У.Ш.Абдуллаев, С.Г.Ширшова), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (М.М.Мирзаев, Ф.А.Қорабоев, Б.Т.Амирсаидов), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Ш.Н.Файзуллаев), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Е.С.Каньязов, Ф.Б.Жалолов), Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Д.К.Жабборов), "Ўзстандарт" агентлиги (Т.Б.Абдуллаев), "Ўзкоммунхизмат" агентлиги (Р.Х.Фуломов), "Ўзбекнефтгаз" МХК (Н.А.Ахмедов), "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТЙК (Р.М.Мустафакулов), "Ўзкимёсаноат" ДАК (Р.В.Ерғашбаев), "Ўзқурилишматериаллари"АК (К.Жўраев), "Ўздонмаҳсулот" АК (Р.М.Акбаров), ОТМК ОАЖ (С.И.Дабижа), "Ўзметкомбинат" АИЧБ (Л.Т.Кан), "Тошкент ИЭС" УК (О.Г.Ерценкин), "Ўзпахтасаноат" уюшмаси (М.Бахромов) иштирок этдилар.

Қоидалар келишувида "Ўзбекэнерго" ДАК (Б.М.Тешабоев), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Т.Н.Гуськова), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Г.К.Саидова), Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (К.Х.Ахмедов), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (А.А.Ахмедов),

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Б.С.Улашов), Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Н.Э.Максумов), "Ўзстандарт" агентлиги (Р.Т.Хусанов), "Ўзкоммунизма" агентлиги (О.Ю.Ахмедов), "Ўзбекнефтгаз" МХК (У.С.Назаров), "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТЙК (А.Ж.Раматов), "Ўзкимёсаноат" ДАК (Г.И.Ибрагимов), "Ўздонмаҳсулот" АК (Э.К.Қудратов), "Ўзқурилишматериаллари" АК (Э.М.Акромов), ОТМК ОАЖ (А.К.Фармонов), "Ўзметкомбинат" АИЧБ (А.С.Нурутдинов), "Тошиссиқликэнерго" ИЧБ УК (А.А.Валиев) иштирок этдилар.

Мазкур қоидалар амалга киритилиши билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари" ўз кучини йўқотди.

Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 июндаги 150-сонли "Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Қоидаларнинг ушбу нашри бўйича таклифлар ва мулоҳазалар "Ўздавэнергоназорат" инспекциясига (100000, Хоразм кўчаси, 6) йўналтирилиши мумкин.



2009 йил 22 августдаги 245 - сон қарори .

Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2009 йил 5 июндаги 150-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари 1-иловага мувофиқ;

Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси, Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси:

бир ой муддатда ушбу қарор билан тасдиқланган қоидаларни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бўйича республиканинг барча электр ва иссиқлик энергияси фойдаланувчиларига етказсинлар, шунингдек аҳолини белгиланган тартибда хабардор қилсинлар;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари мазмунининг оммавий ахборот воситаларида, матбуотда, телевиденида, интернет-

нашрларда доимий мавзули рукнлар орқали кенг ёритилишини ташкил этсинлар.

3. "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р.Шаисматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазир

Ш.Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 22 августдаги
245 - сон қарорига
1-илова

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ Қ О И Д А Л А Р И

І. Умумий Қоидалар

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида", "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида", "Табиий монополиялар тўғрисида", "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг электр энергияси истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларини тартибга солиди ҳамда барча ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва электр энергияси истеъмолчилари учун мажбурий ҳисобланади.

Ушбу Қоидалар шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, истеъмолчилардан электр энергияси учун тўловни йиғиш функциясини бажарувчи хусусий операторлар учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

2. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилган:

энергия таъминоти бўйича авария брони - истеъмолчилар фаолиятини қисман ёки тўлиқ тўхтатишда ускуналарни сақлаш, инсонлар ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш, авария ва қўриқлаш ёритгичлари, шамоллатиш, сув ҳайдаш, сув таъминоти, иситиш, ёнғин хавфсизлиги

воситалари учун зарур бўлган электр қувватининг энг кам миқдордаги даражаси ёки электр энергияси ҳажми;

блок-станциялар - истеъмолчиларнинг ягона электр энергетикаси тизимига бевосита ёки истеъмолчилар тармоғи орқали уланган ҳамда оператив-диспетчерлик бошқаруви тизимига кирадиган электр станциялари;

маиший истеъмолчи (аҳоли) - ҳудудий электр тармоқлари корхонаси (бош ишончнома асосида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси номидан шартнома тузувчи электр таъминоти корхонаси) билан электр таъминоти шартномаси тузган ва электр энергиясидан маиший эҳтиёжлар учун фойдаланадиган жисмоний шахс;

электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегараси - электр тармоғининг баланс бўйича мансублиги билан аниқланадиган, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва истеъмолчи ўртасидаги электр тармоғининг бўлиниш нуқтаси;

электр таъминоти шартномаси - ёзма битим, унга мувофиқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси истеъмолчида керакли ускуналар ва электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлган тақдирда унга уланган электр тармоғи орқали электр энергияси етказиб бериш мажбуриятини олади, истеъмолчи эса унинг ҳақини тўлаш, шунингдек электр энергияси истеъмол қилишнинг шартномада назарда тутилган режимига риоя қилиш, ўз тасарруфида бўлган электр тармоқларини эксплуатация қилиш хавфсизлигини ҳамда электр энергияси истеъмоли билан боғлиқ бўлган ўзи фойдаланадиган ускуналар ва приборларнинг соз ҳолатда бўлишини таъминлашни ўз ичига олувчи чора-тадбирларни бажариш мажбуриятини олади;

электр энергияси (қуввати) истеъмолининг шартномадаги миқдори - тегишли ҳисоб-китоб даврида истеъмолчи томонидан истеъмол қилинадиган электр

энергияси (қуввати)нинг ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва истеъмолчи ўртасидаги шартномада белгиланган миқдори;

ягона электр энергетика тизими - электр энергияси ишлаб чиқарувчи, магистрал электр тармоқлари, ҳудудий электр тармоқлари ва уларни тезкор-диспетчерлик бошқариш корхоналари йиғиндиси;

аввалдан буюртма берилган қувват - истеъмолчининг энергия тизимини энг катта юкламасида қатнашувчи энг катта қуввати (юкламаси). Истеъмолчининг энг катта юкламаси тегишли ҳисобга олиш приборлари (ҳисоб-китоб ҳисоблагичларининг ярим соатлик кўрсаткичлари бўйича) ёки Ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларида электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими кўрсаткичлари билан аниқланади;

электр энергияси сифати - электр энергияси параметрларининг давлат стандартлари бўйича белгиланган талабларга мувофиқлиги;

электр энергиясини ҳисобга олишни назорат қилиш прибори - назорат қилиш учун фойдаланиладиган ҳисобга олиш прибори, унинг кўрсаткичлари асосида алоҳида цехлар, технологик линиялар, кўп энергия сарфлайдиган ускуналар ва шу кабилардаги электр энергияси (қуввати) сарфи аниқланади;

етарли миқдорда етказиб берилмаган электр энергияси (кам етказиб бериш) - энергия таъминотидаги танаффус, шу жумладан узиб қўйиш ва чеклаш вақтида истеъмолчи тўлиқ олмаган электр энергияси миқдори;

электр тармоғи хўжалиги объектлари - электр энергияси узатиш ва етказиб беришни амалга ошириш учун мўлжалланган электр энергияси узатиш линиялари, трансформатор подстанциялари, тақсимлаш пунктлари;

чеклаш - шартномада назарда тутилган тадбирларни

амалга ошириш оқибатида муайян вақт оралиғи давомида, шунингдек ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг электр тармоқларида форс-мажор ҳолатлар туфайли пайдо бўлган авария режимлари вақтида истеъмолчига шартномада белгиланган электр энергияси ва (ёки) қуввати етказиб бериш миқдорининг камайиши;

электр энергияси билан таъминлашдаги танаффус (узиб қўйиш) - истеъмолчига электр энергияси етказиб беришни тўхтатиш, автоматик қурилмаларнинг муваффақиятли ишлаши туфайли ёки электр энергияси истеъмол қилишнинг чекланишига олиб келмайдиган, бир вақтнинг ўзида бир нечта линиялар бўйича электр энергияси олувчи истеъмолчилар учун битта ёки бир нечта электр энергияси етказиб бериш линияларининг узиб қўйилиши туфайли содир бўладиган танаффуслар бундан мустасно;

режали узиб қўйиш - ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр қурилмаларини режали - эҳтиётан таъмирлаш жадвали бўйича таъмирлаш ёки профилактика қилиш даврида истеъмолчиларни олдиндан (камида 3 сугка олдин) огоҳлантирган ҳолда истеъмолчига электр энергияси беришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш, агар электр таъминоти шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса;

тўлов ҳужжати - тўлов талабномаси ёки тўлов топшириқномаси, унинг асосида ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг ҳисоб-китоб рақамига пул маблағлари ўтказилади, шунингдек билдиришнома (счёт), унинг бўйича тўлов нақд пул билан амалга оширилади;

электр энергияси истеъмолчиси (истеъмолчи) - электр таъминоти шартномасига мувофиқ ишлаб чиқариш ва (ёки) маиший эҳтиёжлар учун электр энергиясидан фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс;

ҳудудий электр тармоқлари корхонаси - вилоят, шаҳар, иқтисодий зона (саноат зонаси) доирасида электр таъминоти шартномаси асосида истеъмолчиларга электр энергиясини

сотиш ва тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс;

электр энергиясини қабул қилгич (электр қабул қилгич) - электр энергиясини қабул қилиш ва ундан фойдаланиш учун мўлжалланган қурилма ёки прибор;

истеъмолчининг уланган қуввати - истеъмолчининг электр энергиясини (бевосита электр қабул қилгичларни таъминлайдиган) ишчи кучланишга айлантирувчи трансформаторларининг ва 1000 Вольтдан юқори кучланишли электр двигателларининг электр тармоқларига уланган жами қуввати. Истеъмолчиларнинг электр қурилмалари тармоқ трансформаторлардан ёки ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг паст кучланишли тармоқларидан таъминланганда, истеъмолчининг уланган қуввати учун фойдаланишга рухсат этилган қувват қабул қилинади, унинг миқдори ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланади ҳамда электр таъминоти шартномасида кўрсатилади;

ҳисоб-китоб даври - электр энергияси (қуввати) истеъмолининг сарфи (ҳажми) аниқланиши, истеъмол қилинган электр энергияси учун истеъмолчи ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши керак бўлган вақт даври (ой);

электр энергияси ва қувватини ҳисобга олиш прибори - электр энергияси (қуввати) сарфини ҳисобга олиш прибори, шу жумладан жамловчи қурилмалар ҳамда электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматик тизимлари, истеъмол қилинган электр энергияси ва қувватининг ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳажми уларнинг кўрсаткичлари асосида аниқланади;

тизим оператори - ягона электр энергетикаси тизими фаолиятининг технологик режимини, магистрал электр тармоқларини тезкор-диспетчерлик бошқарувини, шунингдек унинг бошқа давлатларнинг электр энергетикаси тизимлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи

мутасадди тузилма;

субистеъмолчи - ҳудудий электр тармоқлари корхонаси розилиги билан истеъмолчининг электр тармоқларига бевосита уланган ва истеъмолчи билан электр таъминоти юзасидан шартнома тузган истеъмолчи. Электр энергияси субистеъмолчига берилганда, истеъмолчи Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиниши бўйича ҳудудий электр тармоқлари корхонаси олдида жавобгар бўлади;

электр таъминотининг технологик брони - технологик жараёни, ишлаб чиқариш циклини тугаллаш учун зарур бўлган электр энергияси ёки қуввати ҳажми;

ҳисобга олиш нуқтаси - электр таъминоти схемасидаги нуқта, унда ўлчаш прибори (ёки ҳисобга олиш тизими) ёрдамида электр энергияси (қуввати) сарфининг ҳажми аниқланади;

электр таъминоти корхонаси - ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг туман, шаҳар, иқтисодий зона (саноат зонаси) доирасида электр энергиясини тақсимлаш ва сотишни амалга оширувчи бўлинмаси;

электр қурилмаси - электр энергиясини ишлаб чиқариш, трансформация қилиш, узатиш, тақсимлаш ҳамда уни энергиянинг бошқа турига айлантириш учун мўлжалланган машиналар, аппаратлар, электр узатиш линиялари ва ёрдамчи ускуналар йиғиндиси (улар ўрнатилган иншоотлар ва бинолар билан бирга).

3. Бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниши билан тавсифланадиган алоҳида товар тури сифатида электр энергиясини етказиб бериш, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва энергия қурилмалари шу ташкилот тармоғига бевосита уланган истеъмолчи ўртасида тузилган электр таъминоти шартномаси асосида мазкур қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Намунавий шартнома шакли қонун ҳужжатларига мувофиқ "Ўзбекэнерго" давлат-

акциядорлик компанияси томонидан ишлаб чиқилади ва белгиланган тартибда Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси (кейинги ўринларда "Ўздавэнергоназорат" ДИ деб аталади) томонидан тасдиқланиб, сўнгра ўрнатилган тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

Истеъмолчи ва электр таъминоти корхонаси ўртасидаги шартномада қуйидагилар назарда тутилади:

шартнома мавзуси;

истеъмол қилишнинг белгиланган режимларига ва электр энергияси сифати кўрсаткичларига риоя қилиш бўйича томонларнинг шартлари ва мажбуриятлари;

электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги ҳамда электр тармоқлари ва электр қурилмаларига хизмат кўрсатиш чегаралари;

ҳисобга олиш приборларини ўрнатилган жойи;

истеъмолчиларнинг электр энергияси учун ҳақ тўлаш бўйича тариф гуруҳлари;

фойдаланилаётган электр тармоқлари, ускуналар ва приборларнинг зарур техник ҳолатини ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича шартлар;

истеъмолчиларни, субистеъмолчиларни электр тармоғига улаш тартиби (истеъмолчининг номи, қуввати, ҳисобга олиш приборлари, тарифлар ва бошқа маълумотлар);

электр энергиясини технологик ёки авариявий бронь даражасигача етказиб-беришнинг энг кам ҳажми (фаолият хусусиятлари, асосий маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг, кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажмлари ва мазкур истеъмолчилар томонидан фойдаланиладиган ускуналарнинг тавсифларидан келиб чиқиб мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчилар учун);

томонларнинг жавобгарлиги;

низоларни ҳал этиш тартиби;

форс-мажор ҳолатлари;

томонларнинг реквизиитлари.

Электр таъминоти шартномасини тузиш, уни ўзгартириш, бекор қилиш ёки амал қилиш муддатини узайтириш масалаларини ҳал этишда томонлар қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур қондаларга амал қиладилар.

Субистеъмолчилар электр таъминоти шартномасини ҳудудий электр тармоқлари корхоналари розилигига биноан истеъмолчилар билан тузадилар.

4. Истеъмолчи томонидан фойдаланилган электр энергиясини ҳисобга олиш учун "Ўзстандарт" агентлиги ёки унинг ўлчов воситаси турини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг сертификатига эга бўлган ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими билан бирга ишлай оладиган электрон ҳисобга олиш приборлари қўлланади.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси истеъмолчи билан биргаликда истеъмолчилар истеъмол қилган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги ҳисобга олиш приборларининг (маиший истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак.

Аҳолида Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилишига кўра маиший истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини биргаликда ёзиб олиш, заруриятга қараб, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари хоҳиши ёки истеъмолчилар буюртманомалари бўйича амалга оширилади.

5. Электр энергиясига амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ахборотни оммавий ахборот воситалари орқали ўн кун муддатда истеъмолчиларга етказди.

Бунда электр энергиясига тарифлар ўзгарган санадан қатъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи олинган электр энергияси ва қуввати учун янги тариф жорий этилган кундан бошлаб у бўйича ҳақ тўлашга мажбурдир.

Бунда истеъмолчи, тариф оширилган тақдирда, электр энергиясининг тўлов кунидан бошлаб 12 ойдан кўп бўлмаган вақт учун аванс тарзида ҳақ тўланган миқдори учун қўшимча тўловлардан озод қилинади.

6. Ўз тармоқлари орқали субистеъмолчиларга электр энергиясини етказиб берувчи истеъмолчилар ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан электр таъминоти шартномасини, субистеъмолчиларнинг электр энергияси истеъмолини ҳисобга олган ҳолда, электр энергиясининг умумий (йиғма) миқдори бўйича тузадилар.

7. Истеъмолчи ўзига тегишли электр тармоқларига, рухсат этилган қувват миқдори даражасида, кучланиши 1000 Вольтгача бўлган қўшимча электр қурилмаларини улаши мумкин (электр энергиясини иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун қўлланишдан ташқари).

8. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси истеъмолчига (майший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини уланган тармоқ орқали электр таъминоти шартномасида назарда тутилган миқдорда ва томонлар ўзаро келишган электр энергияси етказиб бериш режимига риоя қилган ҳолда етказиб беришга мажбурдир.

9. Саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар қуйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш; (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган, - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - прогрессив меъёрларини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси

такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилиши билан уларни қайта кўриб чиқиш;

умуман корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

"Ўздавэнергоназорат" ДИ томонидан истеъмолчида энергиядан (имзоланган далолатномага мувофиқ) нооқилона фойдаланганлик, электр энергиясини тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирларни бажармаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси аниқланган электр энергиясидан нооқилона фойдаланиш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда энергия истеъмолининг

шартномадаги миқдорини камайтиришга ҳақлидир.

10. Электр тармоғи хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда, истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда, электр энергиясини узатишда танаффус ёки чеклашларга йўл қўйилиши мумкин.


11. Объектнинг электр таъминоти лойиҳасида кўзда тутилган, ўзаро захираланувчи манбаларни автоматик ишга тушириш ёки асосий манбани қайта автоматик тиклаш вақтида электр энергиясининг узиб қўйилиши (сабабларидан қатъи назар) электр таъминотида танаффус деб ҳисобланмайди.

12. Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилиш соҳасидаги меъёрлар ва қоидаларга риоя қилиниши устидан давлат назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ "Ўздавэнергоназорат" ДИ томонидан амалга оширилади.

13. Электр энергиясининг исроф қилиб сарфланиши ва истеъмолчи электр қурилмаларининг авария хавфи туғдирадиган ёки одамлар ҳаётига хавф соладиган қониқарсиз техник ҳолати аниқланганда "Ўздавэнергоназорат" ДИ электр энергияси етказиб беришни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

14. Махсус қоидалар бўйича фойдаланиладиган электр қурилмалари устидан энергетика назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ, ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

15. Давлат энергетика назоратининг амалга оширилиши истеъмолчиларни фойдаланилаётган электр тармоқлари, приборлар ва ускуналарнинг зарур техник ҳолати ва



жавфсизлиги таъминланиши, электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимга риоя қилиниши учун жавобгарликдан, шунингдек электр энергиясидан фойдаланиш пайтида пайдо бўладиган авариялар, ёнғинлар, электр энергиясини ҳисобга олиш приборларининг носозликлари ва бошқа қоида бузишлар тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари ташкилотларини дарҳол хабардор қилиш мажбуриятидан озод қилмайди.

16. Электр тармоқлари, приборлар ва ускуналарнинг техник ҳолатига ва уларни эксплуатация қилишга нисбатап қўйиладиган талаблар, шунингдек уларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш тартиби электр энергетикаси соҳасидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

17. Ушбу қоидалар бузилганлиги учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, Маъмурий кодексига, Жиноят кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан истеъмолчи ўртасида тузиладиган электр таъминоти шартномасида белгилаб берилади.

II. Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини

улаш учун техник шартлар

18. Электр энергияси истеъмолчилари, шу жумладан хусусий уй-жойларда яшовчи истеъмолчилар электр қурилмаларининг янги ва қўшимча қувватларини ишга тушириш вақтида уларни ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг электр тармоқларига улаш учун техник шартларни олишга мажбурдирлар.

Техник шартларсиз электр қурилмаларининг электр таъминотини лойиҳалаштириш, ускуналарни монтаж қилиш

ва уларни ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг электр тармоқларига улаш тақиқланади.

Уланиш учун техник шартларнинг бажарилиши барча истеъмолчилар, лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

19. Кучланиши 1000 Вольт ва ундан юқори бўлган трансформаторлар ёки двигателларнинг янги ёки қўшимча қувватларини улаш, ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг тармоқ трансформаторларига уланадиган паст кучланишли қурилмаларнинг янги қувватини улаш ёки уларнинг рухсат берилган қувватини ошириш учун техник шартлар истеъмолчи-буюртмачидан (қурувчидан) ёки унинг топшириғи бўйича бош лойиҳалаш ташкилотидан буюртма олингандан сўнг бир ой муддатда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан, белгиланган тартибда берилади.

Тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига улаш учун техник шартлар тадбиркорлик субъектларининг ёки туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармасининг (бўлимининг) буюртмалари бўйича уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатда берилади.

Барча истеъмолчилар учун техник шартлар, шу жумладан қўшимча шартлар тўлов ундирмасдан берилади.

20. Техник шартларни олиш бўйича буюртманомада истеъмолчи лойиҳалаштирилаётган объектни тавсифловчи қуйидаги маълумотларни қисқача шаклда кўрсатади: юклама миқдори, истеъмолчининг электр таъминоти ишончилиги бўйича тоифаси, ўрнашган жойи (аҳоли пункти билан боғлиқ картография материали), объектни лойиҳалаштириш ва қуриш муддатлари, объектга хизмат кўрсатувчи электр қурилмаларининг баланс бўйича мансублилиги.

Қуввати 10 кВт.гача бўлган электр қурилмаларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар учун техник шартлар олиш юзасидан буюртманомалар тегишли электр таъминоти

корхоналарига, 10 кВт ва ундан юқори қувватли бўлганда эса - ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига юборилади.

21. Электр қурилмаларининг, истеъмол қилинадиган қувват оширишига сабаб бўлмайдиган, электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси ўзгарган ёки истеъмолчининг ташқи электр таъминоти схемаси ўзгарган тақдирда, истеъмолчи бунинг учун ҳудудий электр тармоқлари корхонасидан қўшимча техник шартлар олишга мажбурдир.

22. Электр қурилмалари истеъмолчиларнинг электр тармоқларидан қувват оладиган субистеъмолчилар техник шартларни, ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг рухсати билан, истеъмолчилардан оладилар ва лойиҳа ҳужжатларини истеъмолчи билан келишадилар.

Агар субистеъмолчининг юкламаси ортиши сабабли истеъмолчининг ташқи электр таъминоти схемасини ўзгартириш ёки ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан тузилган электр таъминоти шартномасида қайд этилган трансформаторлар ва юқори вольтли двигателлар қувватини кўпайтириш талаб этилса, истеъмолчи юкламани кўпайтиришга техник шартларни ҳудудий электр тармоқлари корхонасидан олади.

23. Объектни ҳудудий электр тармоқларига улашнинг техник шартларида қуйидагилар кўрсатилади:

уланиш нуқтаси (подстанция, электр станцияси ёки электр энергияси узатиш линияси), объектни таъминловчи ҳаво ва кабель линиялари кучланиши, алоҳида ҳолатларда ташқи электр энергияси таъминоти схемаси вариантларини ишлаб чиқиш зарурияти кўрсатилади;

янги истеъмолчи уланиши туфайли мавжуд тармоқни кучайтириш бўйича асосланган талаблар (симлар кесимларини ошириш, трансформаторлар қувватини алмаштириш ёки кўпайтириш, захира ячейкалари барпо этиш ва шу кабилар);

қисқа туташиниш тоқларининг ҳисобланган миқдори,

релели ҳимоя, автоматика, алоқа, изоляция ва ўта кучланишдан ҳимояга қўйиладиган талаблар;

реактив қувват ўрнини тўлдиришга қўйиладиган талаблар;

электр энергиясини ҳисобга олишга қўйиладиган талаблар;

давлат стандартларига мувофиқ ток қабул қилгичлар ёнида барқарорлаштирувчи қурилмалар ва электр энергияси сифатини назорат қилувчи приборларнинг ўрнатилишига қўйиладиган талаблар;

истеъмолчи юкламасининг суткалик жадвалини тартибга солиш бўйича талаблар;

электр қурилмаларининг намунавий лойиҳаларини қўллаш бўйича тавсиялар;

ҳудудий электр тармоқларининг таъминловчи линияларига уланадиган истеъмолчилар электр қурилмаларига қўйиладиган ўзига хос талаблар (захира энергия манбаининг, кучланиш бериладиган жойларни автоматик ҳимоя қилишнинг зарурлиги, таъминловчи линияларнинг параллел ишлашига йўл қўйилиши, ягона электр энергетика тизимида қувват танқислиги пайдо бўлганда бундай ток қабул қилгичларнинг электр таъминотини сақлаш мақсадида айрим захираланувчи таъминловчи линияларга масъул юкламаларни ажратиш ва шу кабилар);

корхона, бино, иншоотлар лойиҳасида (ишчи лойиҳасида) электр қурилмаларини эксплуатация қилишни тапкил этиш бўйича лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги талаблар;

истеъмолчи тармоғига уланадиган субистеъмолчилар рўйхати (уларнинг юкламалари ва электр энергияси истеъмоли тўғрисидаги асосий истиқбол маълумотларини кўрсатган ҳолда);

техник шартларнинг, ишларни лойиҳалаш ва

бажаришнинг амалдаги меъёрларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган амал қилиш муддати.

24. Корхоналар, бинолар, иншоотлар, уларнинг навбатлари ёки алоҳида ишлаб чиқаришларнинг техник шартларга мувофиқ ишлаб чиқилган электр таъминоти лойиҳалари (ишчи лойиҳалари) ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва "Ўздавэнергоназорат" ДИ билан келишилиши керак, истеъмолчиларни 10 кВт.гача қувватли электр таъминоти лойиҳалари бундан мустасно.

25. Истеъмолчиларнинг юкламаларини улаш билан борлиқ янги электр қурилмаларини ва электр тармоғи хўжалигининг объектларини лойиҳалаш ва қуриш, ишлаб турганларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш истеъмолчиларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

26. Истеъмолчи, унда техник имконият мавжуд бўлса, ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг талаби бўйича ўз электр тармоқларига бошқа электр энергияси истеъмолчиларининг электр қурилмаларини улаши шарт.

III. Электр қурилмаларини эксплуатация қилишга ижозат олиш ва кучланишни истеъмолчиларга бериш тартиби

27. Истеъмолчиларнинг (олдиндан фойдаланилаётган уй-жойларда уланаётганларидан ташқари) барча янгидан уланаётган ва реконструкция қилинаётган электр қурилмалари Электр қурилмаларини тузилиши қоидаларига, шаҳар қурилиши меъёрлари ва қоидаларига, берилган техник шартларга мувофиқ бажарилиши ва белгиланган тартибда келишилган лойиҳа ҳужжатлари ҳамда техник қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари билан таъминланган бўлиши лозим.

28. "Ўздавэнергоназорат" ДИ ўз назоратидаги объектларда ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлаш бўйича хорижий технологияларни қўллаш имкоияти тўғрисида белгиланган тартибда эксперт хулосаси беради.

29. Янгидан монтаж ва реконструкция қилинган электр қурилмаларини мазкур қоидаларга мувофиқ, уларни монтаж қилиш тугатилиши, ишга тушириш-созлаш ишлари бажарилишидан сўнг, истеъмолчида электр хўжалиги учун масъул шахс ва тегишли электротехник ходимлар мавжуд бўлганда, электр қурилмалари Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқ хавфсизлик техникаси ва ёнғин ўчириш бўйича ҳимоя воситалари билан бутланганда ҳамда белгиланган тартибда қиёслашдан ўтказилган ҳисобга олиш приборлари ўрнатилганда, шунингдек электр таъминоти шартномаси тузилганда эксплуатация қилишга топшириш мумкин бўлади.

30. Электр қурилмаларини эксплуатацияга топширишдан олдин истеъмолчи монтаж ташкилотидан уларни далолатнома бўйича қабул қилиши ва уларнинг мажбурий сертификатлари мавжуд бўлганда "Ўздавэнергозорат" ДИга лойиҳа, эксплуатация, техник қабул қилиш-топшириш ҳужжатларини, ҳамда ишга тушириш мумкинлигини аниқлаш учун электр қурилмасини кўрикдан ўтказишга тақдим этиши керак.

Истеъмолчиларнинг реконструкция қилинаётган электр қурилмалари ҳам эксплуатацияга топширишдан олдин, кўрикдан ўтказиш учун "Ўздавэнергозорат" ДИ инспекторига кўрсатилиши керак.

Электр қурилмалари эксплуатациясига ижозат бериш тартиби субистеъмолчиларнинг янгидан монтаж ва реконструкция қилинган электр қурилмаларига татбиқ этилади.

Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини монтаж қилишда камчиликлар, улаш учун берилган техник шартлардан чекинишлар аниқланганда, шунингдек техник

хужжатлар ва электр қурилмаларига хизмат кўрсатиш учун тайёргарлик кўрган ходимлар мавжуд бўлмаган тақдирда, аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар уларни эксплуатация қилишга ижозат бериш тақиқланади.

31. Янги ёки реконструкция қилинган электр қурилмаларига кучланиш бериш, ҳисобга олиш приборлари қиёслашдан ўтказилиши ва ўрнатилишидан кейин уларни эксплуатация қилишга ижозат бериш тўғрисида "Ўздавэнергоназорат" ДИнинг далолатномаси мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек электр таъминоти шартномаси тузилганидан кейин амалга оширилади.

Бунда истеъмолчиларнинг қуввати 10 кВтгача бўлган электр қурилмаларини улаш тартиби алоҳида белгиланади.

32. "Ўздавэнергоназорат" ДИ электр қурилмани техник кўриқдан ўтказиш ва эксплуатация қилишга ижозат бериш юзасидан жавоб беради.

Истеъмолчининг эксплуатация қилинаётган электр қурилмаларини техник кўриқдан ўтказиш даврийлиги ўрнатилган тартибда "Ўздавэнергоназорат" ДИ томонидан белгиланади.

33. Ишлари мавсумий хусусиятга эга бўлган истеъмолчилар ҳар йили, электр қурилмаларини ишга туширишдан олдин уларнинг кўриқдан ўтказилиши ва эксплуатация қилишга ижозат берилиши учун "Ўздавэнергоназорат" ДИ ёки унинг ҳудудий бўлимига ёзма равишда муурожаат қилишлари керак.

IV. Электр қурилмалари ва электр тармоқларининг техник ҳолати юзасидан томонларнинг жавобгарлиги

34. Электр ускуналарининг ҳолати, фойдаланилиши ва уларга хизмат кўрсатилиши юзасидан истеъмолчилар билан ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўртасидаги жавобгарлик чегараси электр ускуналарининг баланс бўйича мансублиги билан белгиланади ва бу электр таъминоти

шартномасига илова қилинадиган электр тармоқларининг баланс бўйича мансублигини ва томонларнинг эксплуатация қилиш бўйича жавобгарлигини чегаралаш далолатномасида қайд этилади.

Электр тармоқлари ва ускуналарига хизмат кўрсатиш чегараларини ва уларнинг ҳолати учун жавобгарликни белгилаш юзасидан далолатнома ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг ва истеъмолчининг вакиллари томонидан имзоланади.

1000 Вольт ва ундан юқори кучланишли электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш юзасидан жавобгарлик чегаралари:

ёпиқ тақсимлаш қурилмаларининг ташқи томонидан электр узатиш ҳаво линиясининг ўтиш изолятори уланмасида ва очиқ тақсимлаш қурилмаларининг порталга тортиладиган изоляторлар шодасининг тарангловчи қисқичидан симнинг чиқишида;

электр узатишнинг таъминловчи ёки чиқувчи линияларини кабелли ёки ҳаводаги кириш симлари уланиш учликларида белгиланади. Бунда олдинги жумлада келтирилган уланмаларнинг ҳолати учун подстанцияни эксплуатация қилувчи корхона жавоб беради.

Турли ташкилотларга тегишли, (ёпиқ ёки ажратгичлар орқали) тармоқланган симларга эга бўлган 1000 Вольт ва ундан юқори кучланишли электр узатиш линияларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш юзасидан жавобгарлик чегараси асосий линиянинг тармоқланиш қилинган таянчида белгиланади. Асосий электр узатиш линияси тасарруфида бўлган корхона тармоқланган симларни уловчи қисқичларнинг ҳолати учун жавоб беради.

1000 Вольтгача кучланишли электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш учун истеъмолчи ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўртасидаги жавобгарлик чегараси:

ҳаводаги тармоқланишда - бино ёки қувур таянчида ўрнатилган биринчи изоляторларда;

кабель билан киритишда - бинога кириш жойида таъминловчи кабелнинг уланиш учликларида белгиланади.

Бунда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига, муассасаларга ва бошқа ноишлаб чиқариш истеъмолчиларига тегишли уйлардаги электр тармоқининг баланс бўйича мансублик чегарасидаги уланмаларнинг ҳолати учун ҳудудий электр тармоқлари корхонаси жавоб беради.

Электр қурилмаларини эксплуатация қилиш хусусиятларига кўра жавобгарликнинг бошқа асосланган чегаралари ҳам белгиланиши мумкин.

35. Истеъмолчи электр қурилмаларнинг техник ҳолати ва Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилиши, электр энергиясининг оқилона сарфлалиши, электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимлари бажарилиши, электр энергияси сифатининг таъминлиниши, шунингдек "Ўздавэнергоназорат" ДИ кўрсатмаларининг ўз вақтида бажарилиши учун жавоб беради.

36. Истеъмолчи юридик шахс сифатида тугатилган тақдирда унинг электр қурилмасига ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси етказиб бериш тақиқланади.

Агар электр энергияси етказиб бериш тўхтатилмаган бўлса, у ҳолда бунинг оқибати учун ҳудудий электр тармоқлари корхонаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

37. Электр станциялари ва тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидаларида ва Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларида ҳисобга олинмаган ишлаб чиқаришнинг ва электр қурилмаларини эксплуатация қилишнинг ўзига хос (ер ости, портлаш хавфи бўлган ишлаб

чиқаришлар, электр тортиш кучи ва бошқа) шартлари мавжуд бўлганда, истеъмолчилар ушбу электр қурилмаларини эксплуатация қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича махсус йўриқномаларга эга бўлишлари шарт.

38. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатацион харажатлар учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинadиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайдилар.

Эксплуатацион харажатларни субистеъмолчига берилadиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

V. Электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш ва уларни эксплуатация қилиш

39. Электр энергияси учун ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан ҳисоб-китоб қилиш учун истеъмолчилар мажбурий тартибда Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими билан бирга ишлай оладиган электрон ҳисобга олиш приборлари билан, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган истеъмолчилар эса - Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими билан бирга ишлай оладиган кўп функцияли электрон ҳисобга олиш приборлари билан таъминланган бўлишлари керак.

40. Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари кўрсаткичларнинг бузилишидан, инсон омилининг таъсирини мумкин қадар камайтирган ҳолда ахборотларга рухсатсиз киришдан комплекс ҳимоя билан таъминланган бўлиши лозим.

41. Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва

назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими билан бирга ишлай оладиган электрон ҳисобга олиш приборлари бўлмаганда ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг электр тармоқларига ҳамда истеъмолчилар ва субистеъмолчиларнинг электр тармоқларига уланиш тақиқланади.

42. Турли тариф гуруҳларидаги бир нечта истеъмолчилар электр таъминотининг битта манбаидан таъминланганда тегишли ҳисобга олиш приборлари ҳар бир тариф гуруҳи учун алоҳида ўрнатилиши лозим.

43. Ҳисобга олиш приборлари (шу жумладан актив ва реактив қувват ва энергияни ўлчаш воситалари, шунингдек жамловчи қурилмалар ҳамда Истеъмолни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимлари) мазкур қоидаларга мувофиқ ўрнатилади ва Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари талабларига жавоб бериши керак.

Ҳисобга олиш приборлари, ўлчов трансформаторлари, иккиламчи занжирлар, шу жумладан алоқа линиялари, Истеъмолни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларининг сақланиши ва уларнинг техник ҳолати учун ҳисобга олиш приборлари ва тизимлари ўз балансида бўлган корхона жавоб беради.

Электр энергиясини техник ҳисобга олиш (электр энергияси сарфининг белгиланган меъёрлари бажарилишини назорат қилиш) учун ҳисобга олиш приборлари алоҳида цехларда, кўп энергия сарфлайдиган агрегатларда, технология линияларида, биноларда, алоҳида объектларда ўрнатилади.

44. Кўп хонадонли уй-жойларда электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш мақсадида ҳисобга олиш приборлари ҳар бир хонадон учун махсус ажратилган жойларда ўрнатилади.

Ҳар бир хонадонга ўрнатишдан ташқари, уй-жойларда уйнинг умумий эҳтиёжлари (зинапояларни ёритиш, лифтлар,

насосларнинг ишлаши ва ҳоказолар) учун сарфланадиган электр энергияси бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун ҳисобга олиш приборлари ўрнатилади.

45. Ҳисобга олиш приборлари, шунингдек ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан истеъмолчиларнинг ҳисоб-китоб қилишига мўлжалланган электр энергияси ва қувватини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат қиёслашидан ўтказилади ва ўрнатилади ҳамда ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакили томонидан рўйхатдан ўтказилади ва пломбланади.

46. Ҳисобга олиш (ток ва кучланишни ўлчаш трансформаторларининг ишдан чиқиши, шунингдек иккиламчи коммутация, ҳисобга олиш приборларининг шикастланиши ва уларнинг йўқолиши) истеъмолчининг айби билан бузилган тақдирда ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, таъмирлаш, давлат қиёслашидан ўтказиш ва ўрнатиш, шу жумладан улаш бўйича ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг хизматларига ҳақ тўлаш истеъмолчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

47. Истеъмолчи ўлчов занжирларининг зарур техник ҳолатини, хавфсиз эксплуатация қилинишини ҳамда ўз балансида бўлган ва ўзи фойдаланадиган электр энергиясини ҳисобга олиш приборларининг созлигини таъминлаш шарт.

Шартнома бўйича электр энергиясидан маиший истеъмол учун фойдаланувчи истеъмолчи сифатида жисмоний шахс иш кўрган тақдирда, электр тармоқларининг, шунингдек электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш приборларининг зарур техник ҳолатини ва хавфсизлигини таъминлаш мажбурияти ҳудудий электр тармоқлари корхонасига юкланади, ушбу қоидаларда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

48. Ҳисобга олиш приборларида:

кожухлар маҳкамланган жойида, тўлов ҳисоблагичлари

билан биргаликда фойдаланиладиган ўлчов трансформаторларида эса - алоҳида ажратилган жойларда "Ўзстандарт" агентлигининг ёки унинг ҳудудий бўлинмасининг белгиланган наъмунадаги пломбаси бўлиши керак;

ҳисобга олиш приборининг клеммник қопқоқларида, шунингдек синов блокларида, ўтувчи клеммниклар қопқоқларида, кучланишнинг ажратувчи ўлчов трансформаторлари симларида - ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг (ёки унинг ваколатли хизматларининг) белгиланган намунадаги пломбаси бўлиши керак.

Ҳисобга олиш приборларини ва ўлчаш трансформаторларини вақти-вақти билан қиёслашдан ўтказиш "Ўзстандарт" агентлиги томонидан белгиланган муддатларда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси вакили билан биргаликда истеъмолчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилиши керак.

49. Ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакили ўзида тегишли амал қилиш муддати кўрсатилган, ўз номи ёзилган гувоҳномаси бўлган тақдирда, сутканинг исталган вақтида, приборнинг кўрсаткичларини ёзиб олиш ва кўрикдан ўтказиш учун истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари ва схемаларини тўсқинликсиз бориб кўриш ҳуқуқига эга.

50. Ҳисобга олиш приборлари билан биргаликда фойдаланиладиган ўлчов трансформаторларини бошқа жойга ўрнатиш ва алмаштириш фақат ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг розилиги билан амалга оширилади.

51. Электр энергиясини ҳисобга олиш схемасини ўзгартириш ёки унинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ишларни бажариш учун истеъмолчи, ишларни бошлашдан олдин, бу ҳақда ҳудудий электр тармоқлари корхонасини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Ишларни

бажариш даврида электр энергияси ҳисоби ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан келишилган вақтинчалик схемалар ёки ҳисоб-китоблар бўйича амалга оширилиши мумкин.

VI. Электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби

1-§. Электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилишнинг умумий қоидалари

52. Бевосита ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг электр тармоқларидан ҳамда истеъмолчилар ёки субистеъмолчилар электр тармоқлари орқали узатилаётган электр энергияси учун истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар электр энергиясининг белгиланган тартибда тасдиқланган тегишли тарифлари бўйича электр таъминоти шартномасига асосан амалга оширилади.

53. Электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш мақсадида истеъмолчиларни тариф гуруҳлари бўйича тақсимланиши Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланади.

54. Электр энергиясига тарифлар бир ставкали ва икки ставкалига бўлинади. Бунда:

- бир ставкали тариф истеъмолчига етказиб берилган ҳар бир кВт-соат электр энергияси учун ҳақ тўлашдан;

- икки ставкали тариф ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламасида иштирок этувчи, буюртма берилган ҳар бир кВт кувват учун (асосий тўлов) ва етказиб берилган электр энергиясининг ҳар кВт соати учун истеъмолчи томонидан ҳақ тўлашдан (қўшимча тўлов) иборат бўлади.

55. Электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилишда, истеъмолчида кўп тарифли ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлган тақдирда, белгиланган тартибда тасдиқланган табақалаштирилган тариф қўлланиши мумкин.

билан биргаликда фойдаланиладиган ўлчов трансформаторларида эса - алоҳида ажратилган жойларда "Ўзстандарт" агентлигининг ёки унинг ҳудудий бўлимининг белгиланган наъмунадаги пломбаси бўлиши керак;

ҳисобга олиш приборининг клеммник қопқоқларида, шунингдек синов блокларида, ўтувчи клеммниклар қопқоқларида, кучланишнинг ажратувчи ўлчов трансформаторлари симларида - ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг (ёки унинг ваколатли хизматларининг) белгиланган намунадаги пломбаси бўлиши керак.

Ҳисобга олиш приборларини ва ўлчаш трансформаторларини вақти-вақти билан қиёслашдан ўтказиш "Ўзстандарт" агентлиги томонидан белгиланган муддатларда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси вакили билан биргаликда истеъмолчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилиши керак.

49. Ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакили ўзида тегишли амал қилиш муддати кўрсатилган, ўз номи ёзилган гувоҳномаси бўлган тақдирда, сутканинг исталган вақтида, приборнинг кўрсаткичларини ёзиб олиш ва кўриқдан ўтказиш учун истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари ва схемаларини тўсқинликсиз бориб кўриш ҳуқуқига эга.

50. Ҳисобга олиш приборлари билан биргаликда фойдаланиладиган ўлчов трансформаторларини бошқа жойга ўрнатиш ва алмаштириш фақат ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг розилиги билан амалга оширилади.

51. Электр энергиясини ҳисобга олиш схемасини ўзгартириш ёки унинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ишларни бажариш учун истеъмолчи, ишларни бошлашдан олдин, бу ҳақда ҳудудий электр тармоқлари корхонасини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Ишларни

бажариш даврида электр энергияси ҳисоби ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан келишилган вақтинчалик схемалар ёки ҳисоб-китоблар бўйича амалга оширилиши мумкин.

VI. Электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби

1-§. Электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилишнинг умумий қондалари

52. Бевосита ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг электр тармоқларидан ҳамда истеъмолчилар ёки субистеъмолчилар электр тармоқлари орқали узатилаётган электр энергияси учун истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар электр энергиясининг белгиланган тартибда тасдиқланган тегишли тарифлари бўйича электр таъминоти шартномасига асосан амалга оширилади.

53. Электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш мақсадида истеъмолчиларни тариф гуруҳлари бўйича тақсимланиши Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланади.

54. Электр энергиясига тарифлар бир ставкали ва икки ставкалига бўлинади. Бунда:

- бир ставкали тариф истеъмолчига етказиб берилган ҳар бир кВт-соат электр энергияси учун ҳақ тўлашдан;

- икки ставкали тариф ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламасида иштирок этувчи, буюртма берилган ҳар бир кВт қувват учун (асосий тўлов) ва етказиб берилган электр энергиясининг ҳар кВт соати учун истеъмолчи томонидан ҳақ тўлашдан (қўшимча тўлов) иборат бўлади.

55. Электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилишда, истеъмолчида кўп тарифли ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлган тақдирда, белгиланган тартибда тасдиқланган табақалаштирилган тариф қўлланиши мумкин.

Табақалаштирилган тариф сутканинг қуйидаги даврларида истеъмол қилинган ҳар бир кВт.соат электр энергияси учун ҳақ тўлашдан иборат бўлади:

ярим тифиз давр - асосий тариф (сутканинг ёруғ вақти);

тифиз давр - энг юқори тариф (ягона энергия тизимининг энг катта юкнамали вақти - эрталабки ва кечки "энг катта миқдор");

тунги давр - имтиёзли тариф (сутканинг қоронғи вақти).

Асосий тариф (Т)нинг миқдори истеъмолчиларнинг ҳар бир гуруҳи учун белгиланган тартибда тасдиқланган тарифга мувофиқ бўлади.

56. Бир неча тариф гуруҳларига эга бўлган истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

57. Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар электр таъминоти шартномасига мувофиқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки истеъмолчининг ўзи томонидан ёзиладиган тўлов ҳужжатлари бўйича амалга оширилади.

58. Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш олдиндан тўланган ҳақ доирасида амалга оширилади.

59. Электр таъминоти шартномаларида (маиший истеъмолчилардан ташқари) ҳисобот даврида электр таъминоти шартномасида кўрсатилган миқдорга нисбатан 5 фоиздан кўп электр энергияси истеъмол қилинганда, ҳисоб-китоб даври учун электр таъминоти шартномасида кўрсатилгандан ортиқ истеъмол қилинган жами ҳажм учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси фойдасига жарима санкциялари тўланиши кўзда тутилади.

60. Ҳисобга олиш приборларидан кўрсаткичлар ёзиб олинмаган тақдирда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси,

кейинчалик ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан истеъмолчи билан биргаликда аниқланган амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда, электр энергияси истеъмолининг шартномадаги миқдори бўйича ҳисоб-китоб қилади.

61. Электр таъминоти шартномаси бўйича истеъмолчи сифатида маиший истеъмол учун электр энергиясидан фойдаланувчи жисмоний шахс иш кўрганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси истеъмолчи томонидан у фойдаланган электр энергияси учун ҳақ тўланмаган тақдирда, электр таъминоти шартномасининг бажарилиши бекор қилиниши мўлжалланаётган кундан камида бир ой олдин истеъмолчини огоҳлантирган ҳолда, электр таъминоти шартномаси бажарилишини бир томонлама тартибда рад этишга ҳақлидир.

62. Тўлов ҳужжатида хатолар ёки ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичида ноаниқликлар аниқланган тақдирда, истеъмолчи ҳудудий электр тармоқлари корхонасига дарҳол мурожаат қилиши керак.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси, истеъмолчи мурожаат қилган кундан бошлаб ўн суткадан кечиктирмай, ҳисоб-китобни текшириши, зарурат бўлганда эса ҳисобга олиш приборини кўриқдан ўтказиши керак.

Ҳисобга олиш приборларини кўриқдан ўтказиш ёки тўлов ҳужжатидаги хатоликлар тўғрисида мурожаат қилиш истеъмолчини тўлов ҳужжатидаги тўловни белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

Агар ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларидаги аниқлик чегарасидан оғишлар мазкур ҳисобга олиш прибори учун белгиланган аниқлик чегараларидан ортиқ бўлмаса, бундай четга чиқишлар йўл қўйилиши мумкин бўлган четга чиқишлар деб ҳисобланади.

Агар тўлов ҳужжатини текшириш ёки ҳисобга олиш приборини кўриқдан ўтказишдан кейин (шу жумладан

истеъмолчи мурожаат қилмаса ҳам) қайта ҳисоб-китоб қилиш зарурлиги аниқланса, бундай қайта ҳисоб-китоб ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси учун навбатдаги тўлов ҳужжатини ёзишда амалга оширилади.

63. Ҳисобга олиш прибори истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар), ҳисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки электр энергияси бошқача усулда ўфирланган ҳолларда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси истеъмолчини электр тармоқидан узиб қўйишга ҳақлидир ва ҳисобга олиш приборлари охириги марта ўзгартирилган ёки уларни улаш схемаси текширилган кундан бошлаб бутун ўтган, аммо даъво муддатидан кўп бўлмаган, давр учун электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати ва истеъмолчининг электр таъминоти шартномасида кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича энергия сарфини қайта ҳисоблаб чиқиши шарт. Бунда ҳисобга олиш прибори кўрсаткичини ёзиб олиш улаш схемасини текшириш деб ҳисобланмайди.

64. Электр энергияси сарфини қайта ҳисоб-китоб қилиш истеъмолчини электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги жавобгарликдан озод қилмайди.

65. Электр энергиясини ҳисобга олиш истеъмолчининг айбисиз вақтинчалик бузилганда етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг қарори бўйича, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Электр энергиянинг ўртача суткалик сарфи бўйича ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойдан ошмаслиги керак, шу вақт

ичида ҳисобга олиш тикланиши зарур.

Агар ҳисобга олиш приборини, объектив сабабларга кўра, кўрсатилган муддатда (ток трансформаторининг, ҳисобга олиш приборининг йўқлиги, ўтиб бўлмайдиган йўллар ва шу кабилар туфайли) тиклаш имконияти бўлмаса, истеъмолчига етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва ҳисобга олишни тиклаш муддати истеъмолчи ва ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг икки томонлама битими билан белгиланиши керак.

66. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив энергияни, шунингдек қувватни ҳисобга олиш ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва истеъмолчи тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади, ушбу қоидаларнинг 68-бандида кўрсатилган ҳолатлар буидан мустасно.

67. Ҳисоб-китоб даврида истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси миқдори ва худди шу даврда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қабул қилинган электр энергияси миқдори ўртасидаги тафовут, "Ўздавэнергоназорат" ДИ тасдиқлаган меъёрлар миқёсида ушбу электр тармоқларида узатиш вақтида уларнинг исроф бўлишига кетган электр энергияси технологик сарф миқдорини чегирган ҳолда, ҳудудий электр тармоқларининг давр харажатларига ўтказилади ва юридик шахсларнинг фойда солиғини ҳисоблашда чегирилмайди.

Мазкур банд Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими билан қамраб олинмаган электр тармоқларига нисбатан 2011 йил охиригача бўлган даврда амал қилади.

68. Ҳисобга олиш прибори электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкадаги электр энергиясининг

технологик сарфининг ҳажми истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва электр тармоқининг баланс бўйича мансублигига қараб ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг ва истеъмолчининг ҳисобига ўтказилади.

69. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда ягона электр энергетикаси тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

70. Истеъмолчининг айби билан электр таъминоти шартномасида кўрсатилган электр энергияси ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергияси учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

71. Истеъмолчининг электр энергияси учун қарзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

72. Истеъмолчи томонидан фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномасини имзолаш рад этилган тақдирда, қарзни ундириш тузилган электр таъминоти шартномасига мувофиқ шартномавий ҳажмдан келиб чиққан ҳолда истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномаси қўйиш йўли билан амалга оширилади.

73. Истеъмолчи эгаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш ёки бошқа сабабларга кўра кўчиб кетган тақдирда, у

бу ҳақда ҳудудий электр тармоқлари корхонасини ёзма шаклда хабардор қилиши ҳамда электр энергияси учун кўчиб кетиш кунигача тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши шарт, шундан сўнг ҳудудий электр тармоқлари корхонаси объектга электр энергияси етказиб беришни тўхтатади. Янги истеъмолчини расмийлаштириш ва электр қурилмаларини электр тармоғига улаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

74. Томонлар, уларнинг хоҳиш ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган табиий офатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар сабабли ушбу шароитларда қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатларни ўз ичига олган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун жавоб бермайди.

75. Агар кўрсатилган форс-мажор ҳолатлари мажбуриятларнинг шартномада белгиланган муддатларда бажарилишига таъсир қилса, у ҳолда ушбу муддатлар форс-мажор ҳолатларининг амал қилиш, аммо электр таъминоти шартномасининг амал қилиш муддатида кўп бўлмаган вақтга узайтирилади.

76. Электр қурилмалари истеъмолчилар томонидан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоқларига ўзбошимчалик билан уланган тақдирда, электр қурилмалари электр тармоғидан дарҳол узиб қўйилади, истеъмолчидан эса рухсатсиз истеъмол қилинган электр энергиясининг қиймати истеъмолчи расмий равишда давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўтган вақт мобайнида (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) ёки даъво муддати учун уланган электр ускуналарининг белгиланган қувват бўйича суткасига 24 соат давомида ишлаши ҳисобидан ундирилади.

Бунда рухсатсиз истеъмол қилинган электр энергияси қийматининг ундирилиши электр энергиясидан фойдаланиш

қоидаларини бузганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги жавобгарликдан озод қилмайди.

77. Худудий электр тармоқлари корхонаси туман, шаҳар, иқтисодий зона (саноат зонаси) доирасида электр энергияси учун тўловни йиғиш функцияларини белгиланган тартибда хусусий операторга ўтказиши мумкин.

Электр энергияси учун тўловни йиғиш функцияларини бажарувчи хусусий операторлар ўз фаолиятини белгиланган тартибда амалга оширадilar.

2-§. Электр энергияси учун икки ставкали тариф истеъмолчилари билан ҳисоб-китоблар қилиш

78. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар томонидан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш, аммо ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган инфратузилма объектларини: цехлар, завод бошқармалари, омборлар, гаражлар ва шу кабилар, шунингдек хусусий темир йўл кириш жойлари ва корхона худудини ёритиш ва бошқа эҳтиёжларга, саноат (заводнинг ички, шахта, кон ва шу каби) электр транспорти учун сарфланган электр энергияси учун икки ставкали тариф бўйича ҳақ тўланади.

79. Бинолар ва хоналарни ёритиш учун ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган уй-жой ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа эҳтиёжлари учун сарфланадиган электр энергияси учун саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар истеъмолчиларнинг тегишли гуруҳлари учун белгиланган тарифларга биноан, электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

80. Истеъмолчининг цехлари ёки объектлари тарқоқ жойлашган бўлса ва умумий тақсимлаш электр тармоғига эга бўлмаса, бу цехлар ёки бошқа алоҳида объектлар билан

ҳисоб-китоблар, истеъмолчининг ўзи билан ҳисоб-китоб қилишда қўлланаётган тарифдан қатъий назар, тегишли истеъмолчилар гуруҳлари учун белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

81. Истеъмолчи томонидан аввалдан буюртма берилган, ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламасида иштирок этадиган қувват электр таъминоти шартномасида йилнинг ҳар ой бўйича қайд этилади ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланадиган истеъмолчининг амалдаги ўртача ярим соатлик энг катта юкламаси бўйича вақти-вақти билан назорат қилинади.

82. Ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали даврида истеъмолчининг амалдаги юкламаларини назорат қилиш соатлари ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан ойлар бўйича белгиланади ва шартномада қайд этилади.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларидаги юкламани назорат қилиш ҳуқуқига эга.

Назорат даврлари эрталаб 2 соатдан, кечқурун 3 соатдан ошмаслиги керак. Истеъмолчи билан ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўртасидаги ўзаро келишув бўйича назорат қилиш даврлари бир соатга оширилиши мумкин.

83. Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими билан бирга ишлай оладиган ҳисобга олиш приборларига ёки ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларида юкламани қайд этадиган ҳисобга олиш приборларига эга бўлган истеъмолчилар асосий тўловни ҳар ойда, приборларда қайд этилган энг катта қувватнинг амалдаги миқдори бўйича амалга оширадилар.

84. Истеъмолчининг ягона электр энергетика тизимининг энг катта кучланишли соатларида амалдаги юкламаси электр

таъминоти шартномасида назарда тутилган кўрсаткичдан 5 фоиздан зиёд ортиқ бўлган тақдирда, ҳисоб-китоб даврининг охирида амалдаги юкламанинг ортиқча бутун қисми учун қайта ҳисоб-китоб қилинади ва белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ ундирилади.

Қўшимча қувват ҳақини тўлаш келгусида ҳар бир аниқ ҳолатда ҳудудий электр тармоқлари корхонасидан тегишли рухсатнома олмасдан электр таъминоти шартномасида кўрсатилганга нисбатан ортиқча қувватдан фойдаланиш ҳуқуқини бермайди.

85. Агар Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими билан бирга ишлай оладиган ҳисобга олиш приборларига ёки ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларида юкламани қайд этадиган ҳисобга олиш приборларига вақтинча эга бўлмаган истеъмолчида ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларида амалдаги юклама буюртма қилинган юкламадан паст бўлса, тўлов электр таъминоти шартномасида белгиланган юклама миқдори бўйича амалга оширилади.

86. Истеъмолчи цехларининг жойлашиш шароитлари ва уларнинг электр таъминоти схемалари бўйича энг катта қўшма юкламанинг жами қийматини аниқлаш мумкин бўлмаса, ҳисоб-китоблар истеъмолчининг ҳар бир таъминлаш манбаи бўйича алоҳида, аввалдан буюртма берилган қувват бўйича амалга оширилади.

87. Электр энергияси учун икки ставкали тариф бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчи электр энергиясининг бир қисмини бир ставкали тариф бўйича субистеъмолчига етказиб берса, у ҳудудий электр тармоқлари корхонасига ушбу субистеъмолчиларни ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкласида қатнашувчи юкласи қийматига камайтирилган қувват миқдори учун ҳақ тўлайди. Қувватнинг камайтирилиши ҳисобга олиш приборларининг

кўрсаткичлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади.

Субистеъмолчининг қатга юкласини қайд қилувчи ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлмаган тақдирда уларнинг амалдаги юкласи йилнинг тегишли йил даврлари учун субистеъмолчи юкласининг суткалик жадваллари асосида аниқланиши ва электр таъминоти шартномасида қайд этилиши керак.

3-§. Электр энергияси учун бир ставкали тариф истеъмолчилари билан ҳисоб-китоблар қилиш

88. Уланган қуввати 750 кВА ва унда юқори бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилардан ташқари барча истеъмолчилар бир ставкали тариф бўйича ҳисоб-китоб қилишади.

89. Электр энергиясидан реклама, чироқлар билан безатиш, бино ва иншоотларни ёритиш учун фойдаланувчи истеъмолчилар, истеъмол қувватидан қатъий назар, ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг рухсатини олишга ва тегишли тариф гуруҳи бўйича ҳисоб-китоб қилишга мажбурдирлар.

Электр энергиясидан хоналарни иситиш ва иссиқ сув таъминоти мақсадида фойдаланилганда "Ўздавэнергоназорат" ДИга бошқа турдаги энергия ўрнига электр энергиясидан фойдаланишни келишиш учун техник-иқтисодий асослар тақдим этилиши зарур, шаҳар қурилиши меъёрлари ва қоидаларида кўзда тутилган овқат тайёрлаш ва хоналарни иситиш учун электр энергиясидан фойдаланиш ҳолатлари бундан мустасно.

Иситиш ва иссиқ сув таъминоти мақсадида электр энергиясидан фойдаланишни келишиш тартиби "Ўздавэнергоназорат" ДИ томонидан белгиланади.

4-§. Электр энергияси учун хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, турар жойлар ва аҳоли пунктларининг коммунал-эксплуатация ташкилотлари ҳамда турар жой ва нотурар жой фонди биноларининг эгалари билан ҳисоб-китоблар

90. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-эксплуатацион ташкилотлар умумий уй-жой эҳтиёжларига фойдаланиладиган электр энергияси учун ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан электр таъминоти шартномасига асосан электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасини ҳисобга олиш нуқтасида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича, белгиланган тарифга мувофиқ ҳисоб-китоб қиладилар.

91. Қабул қилиш комиссиясининг далолатномаларига асосан янги уй-жойларни ўз балансига қабул қилиб олган ташкилотлар ёхуд қурувчилар ушбу уйларни электр тармоғига улашга рухсат олиш учун ҳудудий электр тармоқлари корхонасига ҳар бир уй-жойда ўрнатилган Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими билан бирга ишлай оладиган ҳисобга олиш приборлари учун (электр ҳисоблагичнинг тартиб рақами, тури, ишлаб чиқарувчи завод, давлат қиёслашидан ўтган йили, ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичлари ва хонадоннинг тартиб рақами билан) ведомость тақдим этиши лозим.

Аввалдан фойдаланиб келинган уй-жойларда ёки алоҳида фуқароларга хусусий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган уйларда ҳамда боғ участкалари, шахсий автомашиналар учун гаражлар ва шу кабиларда янги электр ўтказгичларини улашга рухсат олиш учун истеъмолчи ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тегишли ариза бериши шарт.

92. Уй-жойларнинг электр ускуналари ва электр тармоқларини эксплуатация қилиш учун ижозат бериш улар

эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан белгиланган тартибда қабул қилинганда ва тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан кейин амалга оширилади.

93. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси турар жой ва нотурар жой фонди биноларининг эгалари ва ижарачилар (юридик шахслар) билан электр таъминоти шартномасини тузади ва уларга шахсий ҳисоб рақамлари очади.

94. Шахсий ҳисоб рақамини бошқа истеъмолчига қайта расмийлаштириш ҳамда ҳисобга олиш приборларини кўчириш фақат ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг рухсати билан амалга оширилади.

Илгари электр тармоғига уланган турар жой ва нотурар жой фонди биносига кўчиб кирган янги эгаси 5 кун давомида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан электр таъминоти шартномасини тузиши ва шахсий ҳисоб рақамини ўз номига расмийлаштириши шарт. Шахсий ҳисоб рақами кўрсатилган муддатда расмийлаштирилмаса тўлов тўланмаганлиги учун бутун жавобгарлик турар жой ва нотурар жой фонди биносининг янги эгаси зиммасига юкланади.

Уй-жойларнинг ҳамда турар жой ва нотурар жой фонди биноларининг олди-сотди шартномаларини рўйхатдан ўтказиш фақат электр энергияси учун қарзлар тўлиқ тўлангандан кейин амалга оширилади.

95. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси турар жой ва нотурар жой фонди биноларининг эгалари билан электр энергияси учун ҳисоб-китобларни, турар жой ва нотурар жой биноларини ижарачиларга (юридик шахс бўлган ижарачилар бундан мустасно) ёки ёлловчиларга топширишидан катъий назар умумий ҳисобга олиш прибори бўйича амалга оширади.

Ижарачилар билан ёлловчилар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича низолар белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

96. Коммунал хонадонда бир нечта оила яшаганда ҳисоб-китоб даврида истеъмол қилинган электр энергиясини алоҳида оилалар ўртасида тақсимлаш назорат ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

Нazorat ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш учун ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг рухсати талаб қилинмайди.

Нazorat ҳисобга олиш приборларининг тўғри ишлашини назорат қилиш, уларнинг кўрсаткичларини ёзиб олиш ва электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш мажбуриятлари яшовчиларнинг зиммасига юкланади.

Умумий фойдаланиладиган жойларда истеъмол қилинган электр энергияси миқдори алоҳида оилалар ўртасида амалда яшовчиларнинг сони бўйича тақсимланади.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси электр энергиясидан умумий ҳисобга олиш прибори орқали фойдаланувчи фуқаролар ўртасида ҳеч қандай ҳисоб-китобларни амалга оширмайди.

97. Электр энергияси учун тўлов ҳужжатлари бўйича ўз вақтида ҳақ тўлаш, турар жой ва нотурар жой фонди биносидаги ҳисобга олиш приборининг сақланиши ва бутлигини таъминлаш борасида мазкур қоидаларга риоя қилиниши учун жавобгарлик турар жой ва нотурар жой фонди биносининг эгаси зиммасига юкланади.

98. Ҳисобга олиш приборлари зинапоя майдончаларида ўрнатилган тақдирда уларнинг сақланиши ва бутлиги учун хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ҳамда уй-жой тасарруфида бўлган идора, ташкилот жавоб беради.

Зинапоя майдончаларида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари шикастланган ёки ўғирланган тақдирда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва идора, ташкилот уларни ўз ҳисобидан тиклаши шарт.

99. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, уй-жой

мулкдорлари ва турар жойлардаги ҳамда бошқа бинолардаги хоналарни ижарачиларга (юридик шахсларга) ижарага берувчи бошқа ташкилотлар ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг рухсатсиз ижарачиларга тегишли бўлган электр қурилмаларини (электр энергиясидан қандай мақсадларда фойдаланишидан қатъий назар) уйнинг ички электр тармоқларига улаш ҳуқуқига эга эмас.

100. Ижарачилар (юридик шахслар) турар жой ва нотурар жой фонди биносининг эгаси билан шартнома тузилгандан кейин уч кун муддатда ижарага олинган бинода электр энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун ҳудудий электр тармоқлари корхонасига мурожаат қилиши шарт.

Ижарачи бинодан кўчиб кетадиган бўлса турар жой ва нотурар жой фонди биносининг эгаси ижарачидан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг у кўчиб кетиш кунигача электр энергияси учун ҳисоб-китобни амалга оширганлиги ҳақидаги маълумотномани талаб қилиши шарт. Кўчиб кетган ижарачиларнинг электр энергияси учун қарзлари бўйича жавобгарлик ижарага берувчи зиммасида бўлади.

101. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан бўлиниш чегарасидан истеъмолчиларгача бўлган умумий уй-жой электр тармоқларининг узлуксиз электр таъминоти билан боғлиқ бўлган техник ҳолатини таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш учун ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан шартнома тузган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари жавоб беради.

5-§. Электр энергияси учун маиший истеъмолчилар (аҳоли) билан ҳисоб-китоб қилиш

102. Маиший истеъмолчилар (аҳоли) хонадонларда, ёрдамчи хўжаликлар, шахсий фойдаланиладиган томорқа боғ объектларида маиший эҳтиёжлар учун фойдаланилган электр энергияси учун, турмушда қўлланиладиган ток қабул

қилгичларнинг қуввати ва вазифасидан ҳамда ҳисобга олиш приборларининг ўрнатилган жойидан қатъий назар, аҳоли учун белгиланган ягона бир ставкали тариф бўйича ҳақ тўлайдилар.

Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган маиший истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш электр таъминоти шартномаси асосида ва олдиндан тўланган тўлов миқёсида амалга оширилади.

Маиший истеъмолчилардан электр энергияси учун белгиланган тариф қийматидан ортиқча бирор-бир қўшимча маблар ундириш тақиқланади, мазкур қоидаларнинг. 116-бандида кўрсатиб ўтилган ҳолат бундан мустасно.

103. Электр тармоқларига янгидан уланадиган уй-жойлар ва хонадонларда Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланадиган электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари уй-жой эгаси томонидан сотиб олинади, унинг ҳисобидан давлат қиёслашидан ўтказилади ва рўйхатдан ўтказиш учун электр тармоқлари корхонасига топширилади.

Ҳисобга олиш прибори уй-жой ёки хонадон эгасининг буюртманомасига биноан бир ҳафта муддатда, унинг иштирокида ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакили томонидан ўрнатилади.

Маиший истеъмолчиларда мавжуд бўлган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ҳамда Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланадиган электр энергиясини электрон ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш (янгидан уланадиган истеъмолчилардагидан ташқари) ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

104. Ҳисобга олиш приборига эга бўлмаган ва бирор-бир сабабга кўра мазкур турар жойда вақтинчалик яшамаётган

маиший истеъмолчи ҳудудий электр тармоқлари корхонасини бу тўғрида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

105. Хонадонлар, хусусий уйлар, боғ участкалари, гаражларда якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчи маиший истеъмолчилар фойдаланилган электр энергияси учун тадбиркорлик фаолиятининг (савдо, хизматлар кўрсатиш, товарлар ишлаб чиқариш ва бошқа) тури бўйича электр энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳига мувофиқ ҳақ тўлайдилар.

Бунда тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган электр энергияси бўйича ҳисоб-китоблар учун алоҳида ҳисобга олиш прибори ўрнатилиши зарур.

106. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ҳар бир маиший истеъмолчи билан электр таъминоти шартномасини тузади ва унга белгиланган намунадаги ҳисоб-китоб дафтарчасини беради, у бўйича электр энергияси учун ҳақ тўланади. Ҳисоб-китоб дафтарчасининг ҳар бир варағи квитанция ва билдиришномадан иборат бўлиб, уларда маиший истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақами муҳр билан туширилган бўлиши керак.

Тўлов ҳужжатининг ҳар иккала қисми (билдиришнома ва квитанция) бир хилда, аниқ, ўчириб ёзишларсиз тўлдирилиши керак. Тўлов ҳужжатларида фамилия, манзил, тўловнинг жорий ва олдинги санаси ҳамда ҳисобга олиш приборининг уларга мувофиқ бўлган кўрсаткичлари, кўрсаткичлар тафовути ва тўлов суммаси кўрсатилиши керак.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси электр энергияси истеъмолининг шартномадаги миқдори бўйича ёки олдинги давр учун амалдаги электр энергияси истеъмолининг ҳажми тўғрисидаги маълумотларга асосан тўлов счётини ёзиш ҳуқуқига эгадир, маиший истеъмолчининг ҳисоб рақамида бу ҳақда тегишли равишда қайд қилинади. Бунда ҳисобга олиш приборларидан кўрсаткичлар ёзиб олингандан кейин

амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади.

107. Овқат тайёрлаш учун марказлаштирилган тартибда электр плиталари билан жиҳозланган уйларда яшовчи маиший истеъмолчилар электр энергияси учун тегишли тариф бўйича ҳақ тўлайдилар.

108. Маиший истеъмолчи томонидан ҳисоб-китоб даврида амалда истеъмол қилинган электр энергияси миқдори истеъмолчилардаги ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

109. Ҳисобга олиш приборларидан кўрсаткичларни ёзиб олиш ва тўлов ҳужжатларини амалдаги тариф бўйича ёзиб бериш ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакили ёки истеъмолчининг ўзи томонидан амалга оширилади.

Агар тўлов ҳужжати (билдиришнома) ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакили томонидан тўлдирилса, у маиший истеъмолчига топширилади, у бўлмаган тақдирда эса - у билан бирга бир хонадонда (хусусий уйда) яшовчи вояга етган исталган шахсга топширилади ёки билдиришнома билан бирга буюртма хат орқали жўнатилади.

110. Агар навбатдаги айланиб чиқишда ҳисобга олиш прибори ўрнатилган хона ёпиқ бўлса, ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакили тўлов ҳужжатини олдинги давр учун амалда истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми тўғрисидаги маълумотлар асосида ёзади, бу ҳақда маиший истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида тегишли белги қайд этилади.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакили, у тегишли амал қилиш муддати кўрсатилган, исми-шарифи ёзилган гувоҳномага эга бўлган тақдирда, хонадондаги ҳисобга олиш приборларини соат 8.00 дан бошлаб соат 20.00 гача тўсқинликсиз текшириб кўриш ҳуқуқига эгадир.

111. Электр энергияси учун ҳақ тўлаш маиший истеъмолчи томонидан аҳолидан тўловларни қабул қилувчи

пунктлар ва ташкилотлар орқали ҳар ойнинг 10-купигача амалга оширилади.

112. Электр энергияси учун олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга бўлган ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган маиший истеъмолчилар электр энергияси учун ҳақ тўлашни олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширадilar.

113. Тўлов ҳужжатларини ёзиш ва ҳақ тўлаш пайтида йўл қўйилган хатолар, уларнинг аниқланишига кўра, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати мобайнида ҳисобга олинади.

114. Банк ҳужжатида кўрсатилган сана тўлов амалга оширилган вақт бўлиб деб ҳисобланади.

Агар тўлов ҳужжатларида кўрсатилган суммалар ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда банк ҳужжатида кўрсатилган (банк штампи қўйилган) сумма қабул қилинади.

115. Аҳолидан тўловларни қабул қиладиган ташкилот (тижорат банкларининг бўлимлари, "Ўзбекистон почтаси" давлат-акциядорлик жамиятининг бўлимлари ва аҳолидан тўловни нақд маблағлар билан қабул қилиб олиш пунктлари) тўлов ҳужжатларини ўрам, бандероллар ва электрон реєстрларга жамлайдилар.

Ҳар қайси бандеролда (банк бўлими томонидан маълум даврда қабул қилиб олинган маиший истеъмолчиларнинг тўлов ҳужжатлари тўпламида) ҳудудий электр тармоқлари корхонасига бериш вақтида ёрлиқ бўлиши лозим, ёрлиқда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

бандеролни шакллантириш бошланган ва тугалланган сана;

бандеролдаги ҳужжатлар сони;

қабул қилиб олинган тўловларнинг умумий суммаси;

касса хизмати кўрсатилганлиги учун тўлов сифатида ушлаб қолинган сумма;

худудий электр тармоқлари корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиладиган сумма.

Бунда аҳолидан тўловни қабул қилиб олувчи ташкилотлар, шартномада белгиланган муддатларда, электр энергияси учун тўлов сифатида келиб тушган пул маблавларини худудий электр тармоқлари корхоналарига ўтказилишини таъминлаши шарт.

116. Маиший истеъмолчилар тўлов бўйича қарздор бўлишганда, тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайдилар.

117. Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт.соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан, уларнинг аниқланишига қараб, даъво муддати доирасида, ортиб борувчи якун бўйича, кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан ҳисобга олинади.

118. Тариф ўзгарганда тариф ўзгарган санагача истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми олдинги тўлов вақтидан бошлаб ўртача суткалик истеъмол бўйича аниқланади ва унга эски тариф бўйича ҳақ тўланади. ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари тўлов кунида ёзиб олинган деб ҳисобланади.

119. Маиший истеъмолчи, ўз хоҳишига кўра, 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун электр энергиясидан фойдаланиш ҳақини олдиндан тўлаб қўйиши мумкин, бу ҳолда тариф ўзгарса ҳам қиймат қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

120. Маиший истеъмолчида амалдаги электр энергияси истеъмоли кўрсаткичларини камайтириш мақсадида ҳисобга олиш приборини улаш схемаси ўзгартирилгани, унинг (истеъмолчи айби билан) бузилгани ёки йўқлиги, пломбалар узилгани, электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборидан

ташқари улангани ва бошқа қоида бузилишлари аниқланган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси охириги текшириш кунидан бошлаб ўтган (лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган) давр учун маиший истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган электр энергияси ҳақини қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Бунда қайта ҳисоб-китоб қилиниши истеъмолчини электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги жавобгарликдан озод қилмайди.

121. Қайта ҳисоб-китоблар: ёритувчи ток қабул қилгичларнинг қуввати ва уларни ишлатиш соатлари сони бўйича; истеъмолчида штепсел розеткалари бўлганда (ток қабул қилгичлар ва розеткалар сонидан қатъи назар) - ҳар суткада 24 соат давомида соатига 600 Вт. қувват фойдаланилиши ҳисобидан; қуввати 600 Вт дан ортиқ бўлган иситиш приборлари ёки бошқа электр ускуналаридан фойдаланиш ҳолларида - истеъмолчи фойдаланаётган ускуналарнинг амалдаги қуввати бўйича, уларнинг ҳар суткада 24 соат ишлатилиши ҳисобидан амалга оширилади.

122. Электр энергиясидан фойдаланишда истеъмолчи томонидан йўл қўйилган қоида бузишлар ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакиллари ва маиший истеъмолчи томонидан имзоланган икки нусхадаги қўшма далолатнома билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси маиший истеъмолчига берилади ва айти бир вақтда ушбу қоидаларни бузган истеъмолчининг электр қурилмалари тармоқдан узиб қўйилади.

123. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдорини далолатнома асосида аниқлайди ва тўлаш учун маиший истеъмолчига қўшимча тўлов ҳужжати ёзиб беради.

Қоида бузилиши юзасидан тўлов ҳужжатини ёзишда, даъво муддатини ҳисобга олган ҳолда, амалдаги тариф

қўлланади.

Маиший истеъмолчи ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг қарори юзасидан норозилик аризаси бериш ҳуқуқига эга, бироқ бу истеъмолчини қоида бузиш далолатномаси бўйича ёзилган қўшимча тўлов ҳужжатидаги суммани белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

Қўшимча тўлов ҳужжати бўйича ҳақ 10 кун муддатда тўланмаганда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси маиший истеъмолчидан кўрсатилган суммани мажбурий тартибда ундириш тўғрисида судга даъво аризаси беради.

124. Маиший истеъмолчи ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўртасида пайдо бўладиган низоли масалалар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

VII. Электр энергияси истеъмолчилари ҳамда ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

125. Электр энергияси истеъмолчилари ҳудудий электр тармоқлари корхонасидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

электр энергиясини электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасига электр таъминоти шартномасида кўрсатилган ҳажмда узлуксиз етказиб бериш;

электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида электр энергиясининг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада сақлаш;

ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг электр тармоғи хўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида узиб қўйишдан камида 3 сутка олдин огоҳлантириш;

электр энергиясининг электр таъминоти шартномасида келишилган тегишли ҳажми учун олдиндан ҳақ тўланиши шарти билан электр энергиясининг шартномадаги ҳажмини

ошириш томонига ўзгартириш;

олдиндан ҳақ тўланганлигидан қатъий назар, электр энергиясининг шартномадаги ҳажмини камайтириш томонига ўзгартириш.

Электр энергиясининг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича талаб мўлжалланаётган ўзгартиришгача 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши керак.

126. Электр энергияси истеъмолчилари қуйидагиларга мажбур:

электр таъминоти шартномасига мувофиқ, келгуси ҳисобкитоб ойи учун электр энергияси ва истеъмол қилинадиган қувват ҳажми учун ҳақ тўлаш (маиший истеъмолчилардан ташқари);

электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини ва Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини ҳамда электр энергиясидан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

"Ўздавэнергоназорат" ДИнинг электр қурилмаларининг техник ҳолатини яхшиланиши ва эксплуатациясининг ташкил этилишига, шунингдек электр энергиясидан оқилона фойдаланилишига йўналтирилган кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидаларининг талаблари бажарилишини таъминлаш.

Электр энергияси истеъмолчилари шунингдек ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва хабар қилиши шарт:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг катта

юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

127. Объектларидан магистрал электр тармоқлари сифатида фойдаланиладиган истеъмолчилар ҳудудий электр тармоқлари корхоналари билан электр энергияси узатиш хизматларини кўрсатиш юзасидан шартномалар тузиш ҳуқуқига эга эмас.

128. Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари қуйидагиларга мажбур:

электр энергиясини электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасига электр таъминоти шартномасида кўрсатилган ҳажмда узлуксиз етказиб бериш;

ўзининг электр тармоғи хўжалиги объектларида электр энергияси сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада сақлаб туриш;

электр тармоғи хўжалиги объектларининг режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 сутка олдин огоҳлантириш;

истеъмолчиларга электр энергияси етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълум қилиш;

жорий этиладиган чеклашлар ҳақида, чеклашнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда, ўз вақтида хабар қилиш;

истеъмолчига энергия таъминоти шартномасига мувофиқ электр энергияси етказиб берилишини таъминлаш;

истеъмолчиларнинг электр энергиясининг тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа қоидабузилишлари тўғрисидаги аризаларини, истеъмолчидан ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечикмай кўриб чиқиш, уларни қоидабузилишларини бартараф этиш ва истеъмолчиларга ушбу қоидаларга мувофиқ батафсил жавоб юбориш;

ўзининг электр тармоғи хўжалиги объектларида электр

энергиясининг технологик исрофларини қисқартириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

электр энергиясининг электр тармоқлари бўлиниш чегарасида ҳисобга олинмаган истеъмолини аниқлаш;

истеъмолчилар томонидан буюртма берилган электр энергияси ҳажмини етказиб беришнинг техник имкониятларини ва улардаги тижорат ҳисобини олиш тизимларининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини баҳолаш бўйича хулоса бериш;

истеъмолчиларнинг электр тармоқлари ва қурилмаларини ўз ҳудудий электр тармоқларига уланиши юзасидан техник шартлар бериш;

истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергиясини белгиланган тартибда ҳисобга олиб бориш;

истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнига эга бўлган истеъмолчиларга белгиланган тартибда электр энергияси етказиб берилишини таъминлаш.

129. Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари қуйидаги ҳолларда электр энергиясини истеъмолчига етказиб беришни тўхтатиш ва узиб қўйиш оқибатлари учун жавоб бермаслик ҳуқуқига эга:

электр энергияси электр таъминоти шартномасидаги миқдордан ортиқча сарфланганда ёки электр энергияси истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;

электр энергияси электр таъминоти шартномасисиз истеъмол қилинганда;

"Ўзстандарт" агентлиги томонидан белгиланган тартибда қиёслашдан ўтказилган электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари бўлмаганда;

электр энергияси (қуввати) учун электр таъминоти шартномасида белгиланган миқдорда ва муддатда тўлов тўланмаганда;

электр қабул қилгичлар ҳудудий электр тармоқларига ўзбошимчалик билан уланганда ёки қувват электр таъминоти шартномасида белгиланган миқдордан ошириб юборилганда;

электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборларидан ташқари уланганда ёки электр энергиясини ҳисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан ҳисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг плюмбалари бузилганда;

ҳудудий электр тармоқлари корхонаси вакили ҳисобга олиш приборларини кўришга қўйилмаганда.

Электр манбаидан узиб қўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган, ўта хавfli ва узлуксиз технологик жараёнли саноат корхоналарида қарздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳақ тўланмаганлиги учун электр энергияси етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тўлиқ узиб қўйиш эса - фақат суд қарорига кўра амалга оширилиши мумкин.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси, "Ўздавэнергоназорат" ДИнинг ёзма буюртманомасига биноан, электр энергияси исрофгарчилик билан сарфланган ҳолларда, электр қурилмаларининг аварияга олиб келадиган ёки одамлар ҳаётига хавф туғдирадиган қониқарсиз техник ҳолатида истеъмолчига электр энергияси етказиб беришни тўхтатади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча ҳолатларда ягона электр энергетика тизими тармоқларига қайта улаш ва электр энергиясини етказиб бериш истеъмолчи томонидан ушбу

билан боғлиқ харажатлар тўланганидан кейин амалга оширилади.

130. Худудий электр тармоқлари корхонаси:

истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимга риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаини автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида электр энергиясини етказиб беришдаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

VIII. Реактив энергия ва қувват компенсацияси учун электр энергияси бўйича тарифдан чегирмалар ва тарифга устамалар

131. Реактив энергия ва қувват компенсацияси учун чегирмалар (устамалар) битта ҳисобга олиш нуқтаси бўйича ўртача ойлик электр энергияси истеъмоли 15 минг кВт.соатдан ортиқ бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, электрлаштирилган (электр энергияси билан юрадиган) темир йўли ва шаҳар транспорти, қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига нисбатан амалга оширилади.

132. Реактив энергия ва қувват компенсацияси учун чегирмалар (устамалар) реактив энергия ва қувватни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида белгиланади ҳамда энг катта реактив юкламанинг ҳар бир квар учун тўлов ва (ёки) истеъмол қилинган реактив энергиянинг ҳар бир квар.соати учун тўлов тарзида ундирилади.

133. Устамалар истеъмолчи таъминланадиган электр тармоғининг катта юкламали соатларида истеъмолчи томонидан шартномавий миқдордан ортиқча реактив

энергия ва қувват истеъмол қилинганда ва ягона электр энергетика тизимининг кичик юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилинганда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қўлланади.

134. Истеъмолчи томонидан электр тармоғининг катта юкламали соатларида ягона электр энергетика тизими тармоғида реактив энергия ҳосил қилинганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар истеъмолчи бундай иш режимида ишлаши зарурати шартномада кўрсатилган бўлса, энергия тизими томонидан тарифдан чегирмалар тақдим этилади.

135. Электр тармоғининг катта ва кичик юкламали соатлари - бу сутканинг истеъмолчи томонидан реактив қувватнинг истеъмол қилиниши (ҳосил қилиниши) туфайли ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларида электр энергиясининг қўшимча равишда йўқотилишига олиб келадиган даврларидир.

Ҳудудий электр тармоғлари корхонаси электр тармоғининг катта ва кичик юкламали соатларини, истеъмолчининг ва у фойдаланадиган тармоқнинг реактив юкласи жадвалларини таҳлил қилган ҳолда, ҳар қайси истеъмолчи учун якка тартибда белгилаши мумкин.

Ҳар суткадаги катта ва кичик юкламали соатлар йиғиндиси 24 соатга тенг, шу жумладан:

катта юкламали соатлар - 07 соат 00 дақиқадан 23 соат 00 дақиқагача;

кичик юкламали соатлар - 23 соат 00 дақиқадан 07 соат 00 дақиқагача;

136. Реактив энергия ва қувватнинг истеъмол қилиниши ҳамда ҳосил қилиниши ҳисобга олишни автоматик тизимлари ҳамда тўхтатгичли ёки хотирали ҳисобга олиш приборлари ёрдамида қайд этилади.

Электр тармоғининг катта ва кичик юкламали

даврларида контакт соатлар орқали ишга тушириладиган тўхтатгичсиз ҳисобга олиш приборлари қўлланишига йўл қўйилади. Электрлаштирилган темир йўл ва шаҳар транспортини ҳаракатлантириш учун қувват берадиган ёрдамчи станциялар тўхтатгичсиз битта ҳисобга олиш прибори билан жиҳозланади ва ҳисоб-китоблар реактив энергия истеъмоли ёки ҳосил қилиниши йиғиндиси учун тарифга белгиланган устамаларга мувофиқ амалга оширилади.

137. Истеъмолчининг амалдаги реактив қувватини назорат қилиш электр тармоғининг катта юкламали соатларида 30 дақиқали энг катта реактив юкламани қайд этадиган ҳисобга олиш приборлари бўйича амалга оширилиши керак. Реактив қувватнинг энг катта миқдорини ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларида қайд этишга рухсат берилади.

Электр энергияси узатишнинг таъминловчи линиялари бир нечта бўлса ҳисобланадиган реактив қувват сифатида, махсус қурилма - жамлагич билан аниқланадиган 30 дақиқалик жами реактив юкламанинг энг катта миқдори қабул қилинади.

Жамлагич бўлмаганда, жами юкламанинг энг катта миқдори ҳар бир таъминловчи линия бўйича ҳисобга олиш приборларининг кўрсатувчи элементлари воситасида қайд этилган энг катта миқдорларнинг йиғиндиси сифатида аниқланади.

Энергия тизими томонидан истеъмолчини электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергияни ҳосил қилиш ва (ёки) унинг кичик юкламали соатларида реактив энергияни мажбурий истеъмол қилиш зарурати аниқланса, энергияни ҳисобга олиш усули ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва истеъмолчи ўртасида келишилади ҳамда электр таъминоти шартномасида акс эттирилади.

138. Битта ҳисобга олиш нуқтаси бўйича ўртача ойлик

электр энергияси истеъмоли 15 минг кВт.соатдан ортиқ бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, электрлаштирилган (электр энергияси билан юрадиган) темир йўл ва шаҳар транспорти, қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари билан тузилган электр таъминоти шартномасида қуйидагилар кўрсатилади:

электр тармоғининг катта юкламали соатларида ягона электр энергетика тизими тармоғидан бир ойда истеъмол қилинадиган реактив энергиянинг иқтисодий қиймати;

электр тармоғининг катта юкламали соатларида ягона электр энергетика тизими тармоғидан истеъмол қилинадиган 30 дақиқалик реактив қувватнинг иқтисодий қиймати;

реактив қувват истеъмолининг электр тармоғининг катта юкламали соатларида ва (ёки) реактив энергияни шу соатларда бир ой ичидаги истеъмолининг техникавий чегаралари. Бу чегаралардан ошиб кетганда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси электр энергиясининг ҳисоблаш нуқтасида кучланишни электр тармоғининг энг катта юкламали соатлари учун электр таъминоти шартномасида белгиланган даражасидан пасайиб кетиши учун жавоб бермайди;

электр тармоғининг катта юкламали соатларида ягона электр энергетика тизимининг электр тармоғига бир ойда ҳосил қилинган ва (ёки) унинг кичик юкламали соатларида мажбурий истеъмол қилинган реактив қувват ва (ёки) энергиянинг чегаравий қийматлари.

Электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ва қувватнинг иқтисодий қиймати, айнан шу соатларда реактив қувват ва (ёки) реактив энергия истеъмолининг бир ойдаги техникавий чегаралари, улар ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан ягона электр энергетика тизимининг ҳар қайси боғламаси бўйича электр тармоқларининг ишлаш режимлари ҳисоб-китоблари

асосида белгиланади.

Юқорида қайд этилган ҳисоб-китоб мавжуд бўлмаганда тўлов фақат амалда истеъмол қилинган реактив энергия учун актив энергия бўйича амалдаги тарифнинг 5 фоизига тенг нарх бўйича, қўшилган қиймат солиғисиз, ундирилади.

139. Электрлаштирилган темир йўл транспортининг ҳаракатлантирувчи подстанциялари ва метрополитен подстанциялари томонидан электр энергиясидан фойдаланилиши юзасидан электр таъминоти шартномасида бир ойда реактив энергия истеъмол қилишнинг иқтисодий қиймати ва техник чегараси кўрсатилади.

Темир йўл транспортининг ўзгармас ва ўзгарувчан токли ҳаракатлантирувчи подстанциялари томонидан реактив энергия истеъмол ва ҳосил қилинишининг иқтисодий қиймати ва техник чегараси контакт тармоғи билан уланган ҳаракатлантирувчи подстанциялар бўйича йиғинди тарзида кўрсатилади, уларнинг энергия истеъмоли учун ҳисоб-китоблари битта ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан амалга оширилади.

140. Бир ойдаги реактив энергия истеъмол ва ҳосил қилишнинг ҳамда электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив қувватнинг иқтисодий қиймати ва техник чегаралари электр таъминоти шартномасида қайд этилади.

IX. Электр энергиясининг сифати учун электр энергияси тарифидан чегирмалар ва унга устамалар

141. Электр энергияси сифати учун тарифдан чегирмалар (устамалар) амалдаги тарифлар бўйича белгиланади. Электр энергияси сифати учун тарифларга устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига мувофиқ ундирилади (маиший истеъмолчилардан ташқари).

142. Электр энергияси учун ҳисоб-китобларда қўлланадиган электр энергиясининг сифат кўрсаткичлари (ЭСК) рўйхати давлат стандартлари асосида электр таъминоти

шартномасида белгиланади.

143. Агар истеъмолчининг электр энергияси сифати ёмонлашувидаги амалдаги улуши электр таъминоти шартномасида белгиланган, йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан ошса, у ҳолда санкциянинг муайян миқдори тарифга устама, акс ҳолда - тарифдан чегирма ҳисобланади.

144. Ҳар қайси ЭСК бўйича чегирмалар (устамалар) миқдори кўриб чиқиладиган ЭСКнинг ҳисоб-китоб давридаги нисбий жами чиқиш давомийлиги кўрсаткичларига (Т1 ва Т2) қараб йўл қўйилиши мумкин бўлган тегишли равишда нормал ва энг катта қийматлари учун ҳисобланади. Т1 ва Т2 қийматлари ўлчаш вақти давомида аниқланади, ўлчаш вақтининг давомийлиги ҳар бир ЭСК бўйича шартномада белгиланади, лекин у 1 иш суткасида кам бўлмаслиги керак. Автоматлаштирилган ўлчаш воситалари мавжуд бўлганда Т1 ва Т2 қийматлари узлуксиз равишда ўлчаниши лозим. Даврий ўлчашларнинг натижалари татбиқ этиладиган ҳисоблаш ўтказиладиган вақт оралиғи электр таъминоти шартномасида (лекин бир чоракда бир мартадан кам эмас) белгиланади.

145. Истеъмолчининг электр таъминоти шартномасида қайд этилган ҳар қайси ЭСК бўйича электр энергияси сифатининг ёмонлашувидаги амалдаги улушларининг қиймати эпизодик ўлчашлар асосида белгиланади ва ўлчаш баённомасига ёзилади. Амалдаги улушларнинг ушбу қийматларидан томонлардан бири уларни қайта кўриб чиқиш масаласини қўйишига қадар фойдаланилади.

146. ЭСКни ўлчашлар аккредитация қилинган лаборатория томонидан, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва истеъмолчи билан биргаликда, электр таъминоти шартномасида белгиланган муддатларда ўтказилади. Электр таъминоти шартномасида ўлчашлар даврийлиги тўғрисида кўрсатмалар бўлмаганда, шунингдек истеъмолчининг ёки ягона электр энергетика тизимининг иш шароитлари кескин ўзгарганда ўлчашлар аккредитация

қилинган лаборатория томонидан, исталган томонлардан бирининг ташаббусига кўра ўтказилиши мумкин. Бошқа томон ўлчашларни ўтказишнинг аниқ санасини 3 кун муддатда келишиб олиши керак. Ўлчашлар ташаббус кўрсатган томоннинг мурожаатидан кейин 10 кун муддатда бажарилиши лозим.

147. Кучланишдаги тафовутлар, носинусоидаллик коэффициентлари ва кучланишдаги ўзгаришлар ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва истеъмолчи ўртасидаги келишув бўйича ё фазалардан биттасида, ёхуд барча фазаларда ўлчанади. Барча фазаларда ўлчашда T1 ва T2 ўртача қиймат сифатида аниқланади.

148. Истеъмолчининг электр энергияси сифати ёмонлашувидаги амалдаги улушини аниқлаш тартиби электр таъминоти шартномасида кўрсатилади.

Х. Электр энергиясини чеклаш ёки узиб қўйиш шартлари

149. Электр энергияси истеъмолчига унинг билан тузилган электр таъминоти шартномасига мувофиқ етказиб берилади.

Электр энергияси истеъмолини чеклаш, шунингдек истеъмолчилар юкламалари жадвалларини тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, чеклашлар жадвалига мувофиқ, "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси томонидан тасдиқланган тартибда амалга оширилади.

150. Қувват ва электр энергияси истеъмоли бўйича чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари истеъмолчилар томонидан ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан биргаликда ишлаб чиқилади, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари билан келишилади, "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси томонидан тасдиқланади ва ягона электр энергетика тизимида электр қуввати ва энергия танқислиги пайдо бўлганда жорий этилади.

151. Электр энергиясини чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ягона электр энергетикаси тизимида электр энергияси ва қувват танқислиги ҳолларида электр станциялари ва электр тармоқлари ускуналарининг йўл қўйиб бўлмайдиган шароитларда ишлашининг олдини олиш, ягона электр энергетикаси тизимининг барқарор параллел ишлашини таъминлаш, авариялар юзага келишининг олдини олиш ҳамда истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишини баргараф этиш учун тузилади.

152. Электр энергиясини чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари жорий йилнинг 1 октябридан кейинги йилнинг 1 октябригача бўлган давр учун, истеъмолчининг технологик ва авария бронини аниқлаш далолатномасига асосан тузилади ва жадвалларга киритилган барча истеъмолчилар учун уларни бажариш мажбурий ҳисобланади.

Жадвалларнинг қуйидаги турлари тузилади:

ягона электр энергетика тизимида ёқилғи ёки гидроресурслар етишмаганда электр энергиясини (кВт.соатда) чеклаш. Жадвалда электр энергия истеъмолини истеъмолчиларнинг технологик бронигача, кейинчалик эса авария бронигача (чеклашга мансуб бўлмаган объектлардан ташқари), истеъмолни 5 та тенг навбатга бўлган ҳолда қисқартирилиши кўзда тутилиши лозим;

ягона электр энергетика тизимида қувват етишмаганда қувватни (кВт.да) чеклаш жадвали. Жадвалда ягона электр энергетика тизимининг эрталабки ва кечки энг катта юкламалари ўтиши соатларида истеъмол қилинадиган қувватни, уни 5 та тенг навбатга бўлган ҳолда, истеъмолчиларнинг авария бронигача камайтирилиши кўзда тутилиши лозим;

истеъмолни ва қувватни чеклаш жадвалларини киритиш учун вақт бўлмаган ҳолларда, юзага келган қувват етишмаслиги оқибатида авария пайдо бўлиши хавфида қўлланиладиган қувватни узиш. Ягона электр энергетика

тизими истеъмолчилари истеъмол қиладиган қувватни, 5 та тенг навбатга бўлган ҳолда тўлиқ узиб қўйиш кўзда тутилиши лозим, узиб қўйилиши мумкин бўлмаган объектлар бундан мустасно.

153. Айрим ҳолларда истеъмолчиларни узиб қўйишнинг махсус жадвали ишлаб чиқилади.

Электр энергиясини узиб қўйиш ва махсус жадвалга автоматик қурилмаларга, телебошқаришга ёки доимий хизмат кўрсатувчи ходимлар ва ишончли телефон алоқасига эга бўлган подстанциялар устуворлик билан киритилиши лозим. Истеъмолчиларга электр энергияси стказиб берилиши электр таъминотининг авария бронигача чеклаб қўйилиши мумкин.

154. Чеклаш ва узиб қўйиш жадвалларини амалга киритиш тартиби:

электр энергияси ва қувватини чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг фармойиши билан амалга киритилади. Электр энергиясини чеклашни жорий этиш юзасидан фармойишлар диспетчерлик бошқарувининг барча даражаларида, оператив дафтарга чеклашнинг миқдори, бошланиш ва тамом бўлиш вақтини ёзган ҳолда узатилади;

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси истеъмолчиларга кейинги суткаларда электр энергиясини чеклаш жадвалларининг амалга киритилиши тўғрисида жорий сутканинг соат 14 идан кечиктирмай, чеклашнинг миқдорини, бошланиш ва тамом бўлиш вақтини кўрсатган ҳолда маълум қилади.

Электр энергиясини чеклашни зудлик билан жорий этиш зарур бўлганда, бу ҳақдаги билдиришнома, сутканинг вақтидан қатъи назар, чеклашнинг амал қилиши бошланишидан 1 соат олдин истеъмолчиларга етказилади.

Узиб қўйиш истеъмолчилар томонидан, ҳудудий электр тармоқлари корхонасидан узиб қўйиш жадваллари жорий

этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин, дарҳол жорий этилади.

Электр энергияси истеъмолини узоқ даврга камайтириш зарур бўлганда, қувватни узиб қўйиш жадвалига тенг бўлган электр энергияси ва қувватни чеклаш графиги амалга киритилади.

Юридик шахслар - чеклаш ва узиб қўйиш графигига киритилган ташкилотлар ва муассасалар, шу жумладан узлуксиз технологик ишлаб чиқаришга эга бўлган ташкилотлар (чеклаш ва узиб қўйишга тегишли бўлмаган объектлардан ташқари) чеклаш ва узиб қўйиш графикларининг ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан кўрсатилган муддатда сўзсиз бажарилишини ташкил этишлари шарт, акс ҳолда улар узиб қўйиш ва чеклаш графиклари бажарилмаганлиги юзасидан энергия марказларидан мажбурий узиб қўйиш оқибатлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси электр энергияси ва қувватини чеклаш графикларини амалга киритиш тўғрисидаги фармойиш истеъмолчилар томонидан бажарилмаганда, огоҳлантиришдан кейин, истеъмолчиларда электр энергияси ва қувват истеъмолининг белгиланган даражада камайишини таъминловчи миқдорда электр энергияси стказиб берилишини мажбурий равишда чеклайди.

Мазкур ишлаб чиқаришда технологик жараёнлар бузилишининг оқибатлари учун жавобгарлик истеъмолчилар корхоналарининг рақбарлари зиммасига юкланади.

XI. Блок-станцияга эга бўлган истеъмолчилар билан ўзаро муносабатлар

155. Ягона электр энергетика тизимининг электр тармоғига бевосита ёки истеъмолчиларнинг электр тармоқлари орқали уланган истеъмолчиларнинг электр станциялари блок-станциялар ҳисобланади. Улар ўзаро

келишилган иш режимига риоя қилишлари ҳамда тизим операторининг ва юқори оператив-диспетчерлик хизматларининг кўрсатмалари ва фармойишларига бўйсунушлари шарт.

Блок-станциялар бўйича электр энергияси ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажмлари ва блок-станциялар томонидан ягона электр энергетика тизимига электр энергияси етказиб беришнинг йиллик ҳажмлари "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси билан блок-станция ўртасидаги шартнома билан тасдиқланади ва расмийлаштирилади.

156. "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси электр энергияси етказиб беришнинг шартномада келишилган ойлик миқдорига мувофиқ блок-станцияга ҳар бир сутка учун юкламанинг ва ягона электр энергетика тизимига электр энергияси етказиб беришнинг графигини белгилайди.

Блок-станция томонидан юклама диспетчерлик графигида белгиланган миқдордан камайтирилса, "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси блок-станцияга эга бўлган саноат ва идоравий истеъмолчилар бўйича, блок-станция томонидан юклама камайтирилган миқдорда қувватга чеклашлар киритиш ҳуқуқига эга, блок-станция юкламасининг камайишига форс-мажор вазиятлари сабаб бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

157. Ягона электр энергетика тизимига етказиб бериладиган, шунингдек ҳудудий электр тармоқлари корхонасидан истеъмол қилинадиган актив электр энергиясини ҳисобга олиш блок-станция томонидан баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилган, актив электр энергиясини қабул қилиш ва етказиб беришни алоҳида-алоҳида қайд этадиган ҳисобга олиш приборлари билан амалга оширилади.

Блок-станцияга тегишли бўлган электр тармоғи

хўжалиги объектларида электр энергиясини ягона электр энергетика тизимига етказиб беришдаги ҳамда ҳудудий электр тармоқлари корхоналаридан олишдаги технологик сарфлари блок-станция ҳисобига тегишли бўлади.

158. Блок-станцияга эга бўлган истеъмолчи ҳисоб-китобларни:

"Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси билан - ягона электр энергетика тизимига етказиб берилган электр энергияси учун;

ҳудудий электр тармоқлари билан - ҳудудий электр тармоқлари корхонасидан олинган электр энергияси учун тузилган шартномалар асосида амалга оширади.

159. Етказиб бериладиган ва истеъмол қилинадиган электр энергияси учун блок-станциялар билан ҳисоб-китоблар белгиланган тартибда тасдиқланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

160. Ҳисоб-китоб даврида ягона электр энергетика тизимига блок-станция айби билан тўлиқ етказиб берилмаган электр энергияси миқдори шартномада белгиланган электр энергияси ҳажми билан ягона электр энергетика тизими тармоғига амалда етказиб берилган электр энергияси ўртасидаги тафовут бўйича аниқланади.

161. Блок-станция форс-мажор ҳолатлари туфайли электр энергияси етказиб беришдаги танаффуслар учун жавоб бермайди.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маъкамасининг
2009 йил 22 августдаги
245 - сон қарорига
2-илова

ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ Қ О И Д А Л А Р И

I. Умумий қондалар

1. Мазкур Қондалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида", "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида", "Табиий монополиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунарига мувофиқ иссиқлик таъминоти корхонасининг иссиқлик энергияси истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларини белгилайди ҳамда иссиқлик таъминоти корхонаси ва иссиқлик энергиясининг истеъмолчилари бўлган юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

Мазкур Қондаларнинг амал қилиши маиший истеъмол учун аҳолига иссиқлик энергияси етказиб берилиши билан боғлиқ бўлган ўзаро муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Мазкур Қондаларда қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилган:

иссиқлик таъминотининг аварияли брони - истеъмолчининг фаолиятини қисман ёки тўлиқ тўхтатишда, ускуналарни сақлаш, инсонлар ҳаёти хавфсизлиги, хоналарни иситиш учун зарур бўлган иссиқлик энергиясининг энг кам миқдордаги сарфи;

иссиқлик тармоғининг баланс бўйича мансублик чегараси - иссиқлик тармоғининг иссиқлик таъминоти

корхонаси билан истеъмолчи ўртасидаги бўлиниш нуқтаси, у иссиқлик тармоғининг баланс бўйича мансублиги билан аниқланади;

иссиқлик энергияси сифати - бу иссиқлик тармоғининг баланс бўйича мансублиги бўлиниш чегарасида иссиқлик элтувчи параметрларининг иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган талабларга мувофиқлиги;

ҳисобга олишни назорат қилиш прибори - назорат қилиш учун фойдаланиладиган ҳисобга олиш прибори, унинг кўрсаткичлари асосида иссиқлик тармоғининг мазкур нуқтасидаги иссиқлик энергияси сарфи аниқланади;

етарли миқдорда берилмаган (кам бериш) иссиқлик энергияси - иссиқлик таъминотидаги танаффуслар ёки чеклаш вақтида истеъмолчи тўлиқ ололмаган иссиқлик энергияси миқдори;

чеклаш - иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида назарда тутилган тадбирларни қўллаш натижасида муайян вақт оралиғи давомида, шунингдек иссиқлик таъминоти корхонасининг иссиқлик тармоқларида форс-мажор ҳолатлари туфайли пайдо бўлган авария режимлари вақтида истеъмолчига етказиб бериладиган иссиқлик энергияси миқдорининг камайиши;

якуний ҳисоб-китоб - ҳисоб-китоб даври тугагач истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун истеъмолчининг иссиқлик таъминоти корхонаси билан ҳисоб-китоб қилиши;

улгуржи истеъмолчи - қайта сотувчи - иссиқлик таъминоти корхонасининг истеъмолчиси сифатида ҳаракат қилувчи, ўзининг балансида иссиқлик тармоқлари бўлган ва иссиқлик таъминоти корхонасидан иссиқлик энергиясини улгуржи харид қилувчи ва уни шартнома бўйича турли истеъмолчиларга қайтадан сотувчи ихтисослашган корхона;

иссиқлик таъминотидаги танаффус (узиб қўйиш) - истеъмолчига иссиқлик энергияси етказиб берилишини тўхтатиш;

тўлов ҳужжати - тўлов талабномаси, топшириқномаси, унга асосан иссиқлик таъминоти корхонасининг ҳисоб-китоб рақамига пул маблағлари ўтказилади, шунингдек билдиришнома, унинг бўйича тўлов нақд пул билан амалга оширилади;

режали узиб қўйиш - иссиқлик таъминоти корхонасининг ускуналарини режали - эҳтиётдан таъмирлаш жадвали бўйича таъмирлаш ёки профилактикаси даврида истеъмолчилар билан олдиндан келишилган ва уларни (камида 3 сутка олдин) огоҳлантирган ҳолда истеъмолчига иссиқлик энергияси беришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса;

истеъмолчи - иссиқлик таъминоти корхонасининг иссиқлик тармоқларига бевосита уланган, у билан иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасига эга бўлган, иссиқлик энергиясидан фойдаланиш ҳуқуқи ва шартлари истеъмолчи ҳамда иссиқлик таъминоти корхонаси ёки унинг юқори ташкилоти билан тузилган шартномада белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;

оралиқ ҳисоб-китоб - ҳисоб-китоб даври мобайнида истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун истеъмолчи томонидан қисман ҳақ тўлаш;

ҳисоб-китоб даври - иссиқлик энергиясининг истеъмол сарфи (ҳажми) аниқланиши, истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун истеъмолчи ва иссиқлик таъминоти корхонаси ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши керак бўлган вақт даври (ой). Томонлар билан келишилган ҳисоб-китоб даври иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида кўрсатилади;

иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш прибори -

Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш қоидаларининг талабларига жавоб берадиган, уларнинг кўрсаткичлари бўйича истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун иссиқлик таъминоти корхонаси билан ўзаро ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган ҳисобга олиш приборлари;

субистеъмолчи - иссиқлик таъминоти корхонасининг розилиги билан истеъмолчининг иссиқлик тармоқларига бевосита уланган ва истеъмолчи билан иссиқлик энергиясидан фойдаланиш юзасидан шартномага эга бўлган истеъмолчи. Субистеъмолчига энергия беришда истеъмолчи Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш юзасидан иссиқлик таъминоти корхонаси олдида жавобгар ҳисобланади;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари - иссиқлик энергиясини қабул қилиш, узатиш, қайта ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш учун мўлжалланган ускуна ёки прибор;

иссиқлик таъминоти корхонаси - иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномаси бўйича иссиқлик энергиясини сотиш ва тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс, шу жумладан улгуржи истеъмолчи-қайта сотувчи;

ҳисобга олиш нуқтаси - иссиқлик таъминоти схемасидаги нуқта, унда ўлчаш прибори (ҳисобга олиш прибори, ҳисобга олиш тизими, иссиқлик ўлчагич ва шу кабилар) ёрдамида ёки бошқача усулда иссиқлик энергияси сарфининг миқдори аниқланади.

3. Саноат маҳсулотининг тури сифатида иссиқлик энергиясидан фойдаланиш иссиқлик таъминоти корхонаси билан иссиқлик қурилмалари иссиқлик таъминоти корхонасининг тармоқларига бевосита уланган истеъмолчи ўртасида тузилган шартнома асосида, мазкур Қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Иссиқлик энергиясидан

фойдаланишнинг намунавий шартномалари шакллари қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилади ҳамда кейинчалик белгиланган тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган ҳолда Электр энергетикасида назорат бўйича давлат инспекцияси (кейинги ўринларда "Ўздавэнергоназорат" ДИ деб аталади) томонидан тасдиқланади.

Истеъмолчи билан иссиқлик таъминоти ўртасидаги иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида қуйидагилар назарда тутилади:

шартноманинг мавзуси;

исстеъмол қилишнинг белгиланган режимларига ва иссиқлик энергияси сифати кўрсаткичларига риоя қилиш шартлари ва бу бўйича томонларнинг мажбуриятлари;

томонларнинг иссиқлик тармоқларини баланс бўйича мансублигини бўлиниш ва уларни эксплуатация қилиш юзасидан жавобгарлиги чегаралари;

исстеъмолчининг иссиқлик тармоқларига уланган субистеъмолчилар ҳақидаги маълумотлар;

у бўйича тўлов амалга ошириладиган 1 Гкал иссиқлик энергиясининг тарифи;

бир соатлик энг катта юклама, хоналарни иситиш, шамоллатиш, технологик эхтиёжлар учун бўлинган ҳолда ва иссиқ сув таъминоти учун ўртача суткалик бир соатлик юклама;

тармоқ сувининг бир соатда олинадиган энг кўп миқдори; қайтарилаётган конденсатнинг сифати ва миқдори (исстеъмол қилинган буғнинг умумий миқдорига нисбатан фоизларда), ойлар бўйича бўлинган ҳолда;

ҳисобга олиш приборлари бўйича маълумотлар (тури ва ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жой);

иссиқлик энергиясини узатиш ва исстеъмол қилишнинг алоҳида шартлари;

... томонларнинг жавобгарлиги;

низоларни ҳал этиш тартиби;

томонларнинг реквизитлари.

Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш бўйича шартноманинг намунавий шаклига қонун ҳужжатларига зид бўлмаган қўшимча бандлар киритилиши мумкин.

Субистеъмолчилар билан истеъмолчи ўртасида иссиқлик энергиясидан фойдаланиш юзасидан шартнома истеъмолчи томонидан иссиқлик таъминоти корхонасининг розилиги олингандан кейин тузилади.

Табий монополияларнинг субъектлари томонидан мажбурий тартибда хизмат кўрсатилиши лозим бўлган истеъмолчиларга (субистеъмолчиларга) иссиқлик энергиясини сотишда, иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида фаолиятнинг хусусиятидан, асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмидан, фойдаланиладиган ускуналарнинг тавсифларидан ҳамда ноишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган объектлардан келиб чиққан ҳолда мазкур иссиқлик энергияси истеъмолчилари таъминотининг энг кам даражаси кўзда тутилган бўлиши керак.

4. Иссиқлик энергиясига тариф ўзгарган тақдирда, санасидан қатъи назар, иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи (субистеъмолчи) олинган иссиқлик энергияси учун янги тариф жорий этилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тўлашга мажбур.

5. Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасини тузиш, уни ўзгартириш, бекор қилиш ёки амал қилиш муддатини узайтириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда томонлар қонун ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга амал қиладилар.

6. Истеъмолчи фақат иссиқлик таъминоти корхонаси билан келишган ҳолда ўз иссиқлик тармоқларига бошқа субистеъмолчиларни улаши ҳамда улар билан иссиқлик

энергиясидан фойдаланиш бўйича шартнома тузиши мумкин.

7. Шартномада қайд этилган буғ ва иссиқ сувдаги бир соатлик энг катта иссиқлик юкламаси истемолчининг объекти қурилиши лойиҳасидаги маълумотларга асосан белгиланади.

Энг катта иссиқлик юкламасини ошириш учун истемолчи қўшимча техник шартлар олиши шарт.

Субистемолчининг иссиқлик юкламасини оширишда ҳам истемолчи иссиқлик таъминоти корхонасидан қўшимча техник шартларни олиши керак.

8. Янги истемолчилар ва субистемолчиларни иссиқлик тармоқларига улаш, улар иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини ишга тушириш учун "Ўздавэнергоназорат" ДИда рухсат олганларидан кейин, иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан амалга оширилади.

9. Улгуржи истемолчи-қайта сотувчи ёки истемолчи ўз тармоқларига уланган чет истемолчилар ёки субистемолчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда умумий (жамлама) бир соатлик энг катта иссиқлик юкламаси учун иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасини иссиқлик таъминоти корхонаси билан тузади.

10. Иссиқлик таъминоти корхонаси билан истемолчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар мазкур Қоидалар ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш бўйича тузилган шартнома асосида тартибга солинади.

11. Иссиқлик таъминоти корхонаси тизимидаги аварияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ўтказиш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни қўриш зарур бўлганда истемолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда

иссиқлик билан таъминлашда танаффуста (узиб қўйишга) ёки чеклашга йўл қўйилади.

12 Иссиқлик энергиясининг оқилона ва самарали ишлаб чиқарилиши, узатилиши ва истеъмол қилиниши ҳамда иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилишда хавфсизлик таъминланишига йўналтирилган олдини олиш чора-тадбирларининг бажарилиши устидан давлат назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ "Ўздавэнергоназорат" ДИ томонидан амалга оширилади.

Давлат энергетика назоратининг амалга оширилиши истеъмолчиларни ишлатилаётган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари, прибор ва ускуналарининг зарур техник ҳолати ва хавфсизлиги таъминланиши, иссиқлик энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилиниши учун жавобгарликдан, шунингдек иссиқлик энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнғинлар, иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларининг носозликлари ва бошқа қондабузишлар тўғрисида иссиқлик таъминоти корхонасини дарҳол хабардор қилиш мажбуриятидан озод қилмайди.

13. Иссиқлик энергияси нооқилона, исроф қилиб ишлаб чиқарилганлиги, узатилганлиги ва истеъмол қилинганлиги ҳамда уларнинг авария хавфи тўғридадиган ёки одамларнинг ҳаётига хавф соладиган қониқарсиз техник ҳолати учун "Ўздавэнергоназорат" ДИ иссиқлик таъминоти корхонасининг ускуналари, истеъмолчиларнинг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ва иссиқлик тармоқлари ишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

14. Махсус қондалар бўйича эксплуатация қилинадиган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари устидан энергетика назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ, тегишли ваколатли идоралар томонидан амалга оширилади.

15. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари, прибор ва ускуналарнинг техник ҳолатига ҳамда уларни эксплуатация қилишга нисбатан қўйиладиган талаблар, шунингдек уларга роя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

16. Мазкур Қоидаларнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар иссиқлик таъминоти корхонаси билан истеъмолчи ўртасидаги шартномага, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, Маъмурий кодексига, Жиноят кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

II. Иссиқлик энергияси истеъмолчиларини иссиқлик тармоқларига улашнинг техник шартлари

17. Иссиқликдан фойдаланувчи янги қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини улаш ёки ишлаб турган объектларда шартномадаги миқдорларга нисбатан истеъмол қилинадиган иссиқлик юкласини ошириш учун истеъмолчи иссиқлик тармоқларига уланиш амалга оширилаётган иссиқлик таъминоти корхонасидан техник шартларни олишга мажбур.

Техник шартлар ҳақ олмасдан берилади.

18. Иссиқлик таъминоти корхонасининг иссиқлик тармоқларига янги истеъмолчиларни улаш ёки ишлаб турган объектларда шартномадаги миқдорларга нисбатан истеъмол қилинадиган иссиқлик юкласини ошириш учун техник шартлар истеъмолчининг ёки унинг топшириғи бўйича лойиҳалаш ташкилотининг, архитектура ва қурилиш бўйича туман (шаҳар) бошқармасининг (бўлимининг) буюртманомасига кўра, иссиқлик таъминоти корхонаси

томонидан берилади. Унда лойиҳаланаётган объектни тавсифловчи, қисқа шаклдаги маълумотлар: уни лойиҳалаш ва қуришнинг давомийлиги, ўрнашган жойи (картография маълумотлари), лойиҳавий қарорларнинг маълумотларига асосланган (технологик эҳтиёжлар, хоналарни иситиш, вентиляция, иссиқ сув таъминоти) истеъмол турлари бўйича ва иссиқлик билан таъминлашнинг ишончлилиги бўйича талаблар кўрсатилади.

Улаш ёки мавжуд иссиқлик юкламаларини оширишнинг техник имкониятлари бўлмаганда, иссиқлик таъминоти корхонаси, буни тегишли тарзда асослаган ҳолда, техник шартлар беришни рад этади.

19. Иссиқлик таъминоти корхонаси истеъмолчидан ёки унинг топшириғи бўйича лойиҳалаш ташкилотидан буюртманомани олгандан кейин икки ҳафта муддатда, уларни турли майдончаларда жойлаштириш вариантлари учун техник-иқтисодий таққослаш бажарилаётган ёки қурилишни, кенгайтиришни ёки реконструкция қилишни асослаш бўйича техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар қилинаётган янги қуриладиган корхоналар, бинолар, иншоотлар, уларнинг навбатлари ёки айрим ишлаб чиқаришларининг иссиқлик таъминоти учун дастлабки шартларини беради. Янги ташкилотларни, бинолар, иншоотлар, уларнинг навбатлари, айрим ишлаб чиқаришларни ёки истеъмолчининг ташқи иссиқлик таъминоти схемасини ўзгартиришни талаб қилувчи кенгайтирилаётган ва реконструкция қилинаётган ишлаб турган объектларнинг иссиқлик таъминоти бўйича мўлжалланаётган лойиҳа ечимларини келишиб олиш иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан, қурилиш майдонини танлаш пайтида амалга оширилади.

20. Тадбиркорлик субъектларини иссиқлик тармоқларига улаш учун техник шартлар тадбиркорлик субъектларининг

ёки архитектура ва қурилиш бўйича туман (шаҳар) бошқармасининг (бўлимининг) буюртманомаси бўйича, иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан, дастлабки шартларни бермаган ҳолда, уч иш кунидан ошмайдиган муддатда берилади.

21. Техник шартларда қуйидагилар кўрсатилади:

а) иссиқлик билан таъминлаш манбаи ва унинг ишончлилиги, иссиқлик тармоқларига асосий ва захира киришларидан кейин уланиш ёки электр станциялари ва иссиқлик марказлари коллекторларига уланиш нуқталари, етказиб бериладиган иссиқлик энергияси миқдорини тартибга солиш усули;

б) бошқа истеъмолчининг юкламаларини ҳисобга олган ҳолда асосий ва захира киришларнинг уланиш нуқталарида иссиқлик элтувчи параметрлари ва гидравлик режим;

в) умумий бир соатлик энг катта иссиқлик юкламаси, буюртманомада кўрсатилган миқдорларга мувофиқ хоналарни иситиш, вентиляция, иссиқ сув таъминоти ва технологик эҳтиёжларга бўлинган ҳолда;

г) мазкур объектни ишга тушириш ёки мавжуд бир соатлик энг катта юкламани ошириш ҳисобига мавжуд тармоқнинг ўтказиш қобилиятини ва иссиқлик манбаининг иш унумини ошириш бўйича асосланган талаблар;

д) қайтариладиган буғ конденсатининг миқдори, сифати ва чиқариб олиш режими, конденсатни йиғиш ва қайтариш схемаси;

е) иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларининг ҳисобга олиниши ва ўрнатилишига қўйиладиган талаблар;

ж) ишончлилиқ талабларини ҳисобга олган ҳолда захира иссиқлик таъминоти манбалари;

з) қувурлар ётқизишга ҳамда каналлар ва камераларни, беркитиш ва тартибга солиш арматурасини ўрнатишга, қувурларни изоляция қилишга, коррозияга қарши ҳимояга,

иссиқлик пунктларини жиҳозлашга қўйиладиган талаблар;
и) иситиш-вентилляция ва технологик юклама ҳамда иссиқ сув таъминоти юкламасини улашнинг иссиқлик схемаси;

к) қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган иссиқлик тармоқларининг баланс ва эксплуатация қилиш бўйича мансублиги (иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича бўлиниш чегараси);

л) иссиқлик энергияси етказиб беришдаги ҳарорат жадвали ва истеъмолчининг иссиқлик таъминоти тизимидан тармоқ сувининг бир соатдаги энг кўп сарфи;

м) техник шартларнинг, лойиҳалаштириш ва ишларни бажариш давомийлиги бўйича амалдаги меъёрларни ҳисобга олган ҳолда, белгиланган амал қилиш муддати.

Истеъмолчи ёки бош лойиҳалаш ташкилоти, архитектура ва қурилиш бўйича туман (шаҳар) бошқармаси (бўлими) техник шартлар талабларига рози бўлмаган тақдирда келишмовчиликлар тўғрисидаги масала бамаслаҳат, барча манфаатдор томонлар иштирокида, техник шартларни берган корхонанинг техник кенгашида кўриб чиқилади.

22. Истеъмолчига техник шартлар берилишига қадар улгуржи истеъмолчи-қайта сотувчи ёки истеъмолчи уларни иссиқлик таъминоти корхонаси билан келишиши шарт.

Истеъмолчининг иссиқлик юкламалари уланишини аниқлаш мақсадида техник шартларнинг бир нусхаси уларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши учун иссиқлик таъминоти корхонасига берилади.

23. Истеъмолчининг истеъмол қилинадиган иссиқлик энергияси миқдори ёки иссиқлик элтувчи параметрлари ўзгартирилишини талаб қиладиган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларини ва иссиқлик тармоқларини реконструкция қилиш ёки кенгайтиришда истеъмолчи уларни иссиқлик таъминоти корхонасининг иссиқлик тармоқларига улаш учун иссиқлик таъминоти корхонасидан

техник шартларни ҳам олиши керак.

24. Иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан берилган техник шартларни бажариш истеъmolчилар ва иссиқлик таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш зиммасига юкланган лойиҳалаш ташкилотлари учун мажбурийдир.

Амал қилиш муддати тугаган ва бошқа муддатга узайтирилмаган техник шартлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Истеъmolчи янги техник шартларни ва янги ёки қўшимча қувватларни улаш учун рухсатномани мазкур Қоидаларда кўзда тутилган тартибда олади.

Объектнинг мақсади, вазифаси ўзгарган тақдирда истеъmolчига берилган техник шартлар бекор қилинади, шундан кейин истеъmolчи янги техник шартлар олиши керак.

25. Техник шартларга мувофиқ ишлаб чиқилган корхоналар, бинолар, иншоотлар, уларнинг навбатлари ёки алоҳида ишлаб чиқаришларининг иссиқлик таъминоти лойиҳалари (ишчи лойиҳалар), корхона, бино, иншоотлар, уларнинг навбатлари ёки алоҳида ишлаб чиқаришларнинг комплекс лойиҳаси тасдиқланишидан олдин, иссиқлик таъминоти корхонаси ва "Ўздавэнергоназорат" ДИ билан келишилиши керак.

Лойиҳага мувофиқ ишлаб чиқилган ишчи чизмалар курилиш ишлари бошланишидан олдин иссиқлик таъминоти корхонаси билан келишилиши керак.

Улгуржи истеъmolчи-қайта сотувчининг ёки истеъmolчининг иссиқлик тармоқларига улашиш учун техник шартларни олган субистеъmolчи унга ва "Ўздавэнергоназорат" ДИга ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларини келишиш учун тақдим этади.

Лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқишда техник шартлар ва амалдаги норматив ҳужжатлар талабларидан четга чиқиш аниқланган ҳолларда, истеъmolчига келишишни рад этишни асослаган ҳолда хат юборилади. Истеъmolчи рад этишга

сабаб бўлган камчиликларни бартараф этгандан кейин лойиҳани келишиш учун такроран тақдим этиш ҳуқуқига эга.

26. Истеъмолчиларнинг юкламаларини улаш билан боғлиқ бўлган янги иссиқлик манбалари ва иссиқлик тармоқларини қуриш, ишлаб турганларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш истеъмолчиларнинг куч ва маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

III. Истеъмолчиларнинг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларини ва иссиқлик

тармоқларини эксплуатация қилишга ижозат берш

27. Истеъмолчиларнинг янгидан уланадиган, реконструкция қилинадиган иссиқликдан фойдаланувчи барча қурилмалари ва иссиқлик тармоқлари белгиланган тартибда келишилган лойиҳа ҳужжатларига, техник шартларга, қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ бажарилиши ҳамда техникавий эксплуатация қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича амалдаги қоидалар талабларига жавоб бериши, шунингдек техник ва қабул қилиш-топшириш ҳужжатларига эга бўлиши керак.

28. Истеъмолчи иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни ва иссиқлик тармоқларини монтаж ташкилотидан мазкур Қоидаларга мувофиқ далолатнома бўйича қабул қилади.

Шундан кейин истеъмолчи "Ўздавэнергоназорат" ДИнинг ваколатланган вакилига "Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидалари"нинг, қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талабларига жавоб берадиган лойиҳа, техник, қабул қилиш-топшириш ва эксплуатация қилиш ҳужжатларини ҳамда иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини вақтинчалик ёки доимий эксплуатация қилинишига ижозат берилиши мумкинлигини аниқлаш учун кўриқдан ўтказишга тақдим

этиши шарт.

Истеъмолчиларнинг реконструкция қилинган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ва иссиқлик тармоқлари ҳам вақтинчалик ва доимий ишга туширишга рухсат бериш мумкинлигини аниқлаш мақсадида кўрикдан ўтказиш учун "Ўздавэнергоназорат" ДИнинг ваколатланган вакилига тақдим этилиши керак.

Истеъмолчининг буюртманомаси бўйича ишга тушириш-созлаш ишларини амалга ошириш учун иссиқлик таъминоти корхонаси иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини ариза берилган муддатга вақтинчалик шартнома бўйича ишга туширади.

29. Истеъмолчиларнинг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ва иссиқлик тармоқларида монтаж қилишда нуқсонлар, берилган техник шартлардан, иссиқлик таъминоти ташкилоти ва "Ўздавэнергоназорат" ДИ билан келишилган лойиҳадан, шу жумладан мазкур Қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг талабларидан четга чиқишлар, иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига хизмат кўрсатиш учун тайёрланган ходимлар йўқлиги ҳамда хавфсизлик техникаси ва ёнғинни ўчириш бўйича ҳимоя воситалари билан тўлиқ бутланмаганлиги аниқланган тақдирда, аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар, уларни ишга туширишга рухсат бериш тақиқланади.

Тегишли равишда тайёрланган ходимларга эга бўлмаган истеъмолчиларнинг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ва иссиқлик тармоқларини, улар эксплуатация қилиниши учун шартнома асосида ихтисослаштирилган ташкилотга топширилганда, ишга тушириш учун ижозат берилиши мумкин.

30. Истеъмолчиларнинг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ва иссиқлик тармоқлари фақат

"Ўздавэнергозорат" ДИ томонидан берилган рухсатнома мавжуд бўлгандагина ишга туширилиши мумкин.

31. Истеъмолчиларнинг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ва иссиқлик тармоқларига иссиқлик энергиясини етказиб бериш "Ўздавэнергозорат" ДИдан уларни ишга тушириш учун тегишли рухсат олингандан ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш учун шартнома тузилгандан кейин иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан амалга оширилади.

"Ўздавэнергозорат" ДИ иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник кўриқдан ўтказилиши ва уларни эксплуатация қилишга ижозат берилиши учун жавоб беради.

Эксплуатация қилинаётган иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник кўриқдан ўтказиш даврийлиги "Ўздавэнергозорат" ДИ томонидан ўрнатилган тартибда белгилаб берилади.

IV. Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш

приборларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш

32. Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш тартиби иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан берилган техник шартлар билан белгиланади. Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини эксплуатация қилиш шартлари томонлар тарафидан иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида келишиб олинади.

33. Барча иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг иссиқлик истеъмоли тизимлари зарур ҳисобга олиш приборлари билан таъминланган бўлиши керак.

Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш ёқилғи ва энергияни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилишда ҳисобга олишни ташкил этиш тартибига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Усулларни, ўлчаш воситаларини танлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби ва қоидалари ёқилғи ва энергияни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш, улардан фойдаланишни ташкил этиш қоидаларида белгиланган.

34. Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган истеъмолчиларга иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва уларнинг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ва иссиқлик тармоқларини улаш тақиқланади.

35. Иссиқлик таъминоти корхонасининг объектларида ўрнатиладиган иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари истеъмолчи томонидан сотиб олинади ва ўрнатилади, "Ўзстандарт" агентлигида аттестациядан ўтказилгандан кейин шартнома асосида иссиқлик таъминоти корхонасининг хизмат кўрсатишига ўтказилади.

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари истеъмолчининг ўзи томонидан эксплуатация қилинади ва таъмирланади.

Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини бошқа жойга ўрнатиш ва кўчириш, иссиқлик таъминоти корхонасининг тегишли ходими ва истеъмолчи иштирокида, ушбу прибор балансида турган баланс эгасининг ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳисобга олиш приборларининг бузилган ёки уларнинг кўрсаткичлари тўғрилигига шубҳа туғилган тақдирда истеъмолчи ёки иссиқлик таъминоти корхонаси бу ҳақда тегишли равишда иссиқлик таъминоти корхонасига ёки истеъмолчига дарҳол маълум қилиши шарт. Ушбу ҳолат бўйича икки томонлама тегишли далолатнома тузилиб, ҳисобга олиш приборларининг ишлашидаги носозликларни бартараф этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш даври мобайнида иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар

приборлар тўхташидан олдинги охирги 15 сутка учун ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади. Истеъмолчининг балансидаги иссиқликни ҳисобга олиш приборлари таъмирлаш учун 15 суткагача бўлган муддатга тўхтатилганда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар приборлар тўхташидан олдинги охирги 15 сутка учун ўртача суткалик сарф бўйича, 15 суткадан кўп бўлган муддатга тўхтатилганда эса - ҳисоб-китоблар шартномадаги бир соатлик юклама ва иссиқлик энергиясини узатиш соатлари сони бўйича амалга оширилади.

Истеъмолчи ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш тугагунгача истеъмол қилишни тўхтатиб туришга ҳақлидир, бу ҳолда иссиқлик таъминоти корхонаси беркитиш арматурасини пломбалайди ва бу ҳақда биргаликда далолатнома тузилади.

Истеъмолчи ҳисобга олиш приборининг бузилганлиги тўғрисида иссиқлик таъминоти корхонасини ўз вақтида огоҳлантирмаган тақдирда, иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари ўрнатилгунгача ҳисоб-китоблар, иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан шартномадаги юклама ва иссиқлик энергиясини етказиб бериш соатлари сони бўйича амалга оширилади.

Иссиқлик таъминоти корхонаси ҳисобга олиш приборининг бузилганлиги тўғрисида истеъмолчини ўз вақтида огоҳлантирмаган тақдирда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар бундан олдинги ҳисобот даврида белгиланган иссиқлик энергиясининг ўртача суткалик сарфи бўйича амалга оширилади. Бундан олдинги ҳисобот даврида иссиқлик энергияси истеъмол қилинмаган бўлса, у ҳолда ҳисоб-китоб ўтган йилнинг тегишли давридаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Истеъмолчилар томонидан ўлчаш диафрагмаларини ўрнатиш вақтида иссиқлик таъминоти корхонасининг ва

истеъмолчининг вакиллари иштирок этиши керак.

36. Иссиқлик энергияси берилишини ҳисобга олиш иссиқлик таъминоти корхонаси ва истеъмолчининг иссиқлик тармоқларининг бўлиниш чегарасида амалга оширилиши керак.

Ҳисобга олиш приборлари бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар бўлиниш чегарасидан ҳисобга олиш приборлари ўрнатилмаган жойгача бўлган участкадаги иссиқлик энергияси йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Йўқотишларнинг ҳисоб-китоби ёки иссиқлик энергияси йўқотишларининг синовини иссиқлик таъминоти корхонаси истеъмолчи билан биргаликда "Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш учун иссиқлик юкламаларини, ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфлари меъёрларини ҳамда технологик йўқотишлар меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом"га мувофиқ амалга оширади.

V. Истеъмолчилар томонидан иссиқликдан фойдаланиш қурилмалари ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилиш

37. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ҳамда иссиқлик тармоқларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича истеъмолчи билан иссиқлик таъминоти корхонаси ўртасидаги жавобгарлик чегараси уларнинг баланс бўйича мансублигига қараб белгиланади ва шартномага илова қилинадиган далолатномада акс эттирилади.

38. Иссиқлик таъминоти корхонасига тегишли бўлган иссиқлик тармоқларида истеъмолчига тегишли бўлган қурилмалар ёки ускуналар бўлмаслиги керак. -

Битта камерада (қудуқда), иссиқлик тармоқларида, эстакадада ҳар хил корхоналар томонидан хизмат

кўрсатиладиган ускуналар бўлмаслиги керак.

Ишлаб турган қурилмаларда ҳар хил ташкилотларга тегишли бўлган ускуналар мавжуд бўлса барча ускуналар иссиқлик таъминоти корхонасининг балансига ва хизмат кўрсатилишига ўтказилади.

VI. Иссиқлик таъминоти корхонасининг ҳуқуқлари

39. Иссиқлик таъминоти корхонаси қуйидаги ҳолларда истеъмолчини огоҳлантириб, унга иссиқлик энергияси етказиб беришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга:

иссиқлик энергияси учун тўлов ҳужжатида белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилмаганда;

субистеъмолчилар, янги иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари ўзбошимчалик билан уланганда;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари "Ўздавэнергоназорат" ДИ рухсатсиз ишга туширилганда;

иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари ҳисобга олиш приборларидан олдин уланганда;

иссиқлик юкламаларининг белгиланган шартномавий миқдорлари ёки тармоқдаги сув сарфининг миқдори иссиқлик таъминоти корхонасининг розилигисиз оширилганда;

иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган бир соатда олинадиган тармоқ сувининг миқдори оширилганда;

тармоқдаги сув ифлосланганда;

иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида кўзда тутилган буғ конденсати 50 фоиздан кам миқдорда қайтарилганда;

иссиқлик таъминоти корхонаси вакиллари иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини кўришга қўйилмаганда.

40. Ускуналарни таъмирлаш бўйича режали ишларни амалга оширишда ёки янги истеъмолчиларни улашда захира таъминлаш манбаи мавжуд бўлмаса иссиқлик таъминоти корхонаси истеъмолчини узиб қўйиш ҳуқуқига эгадир. Истеъмолчини иссиқлик энергияси етказиб беришнинг тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантириш иссиқлик энергияси етказиб беришда танаффуснинг аниқ сапасини (кунлар ва соатларни) келишиш учун 10 кун олдин амалга оширилади. Агар огоҳлантиришдан кейин 5 кун муддатда истеъмолчи иссиқлик беришдаги танаффус вақтини келишиб олмаса иссиқлик таъминоти корхонаси ушбу вақтни мустақил равишда белгилаш ҳуқуқига эга. Иссиқлик энергияси беришдаги танаффус, имкони борича, бу ҳақда узиб қўйишдан камида 24 соат олдин истеъмолчини огоҳлантирган ҳолда, унинг ишдан ташқари вақтида амалга оширилиши керак.

41. Авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш учун иссиқлик таъминоти корхонаси, узиб қўйиш сабабларини дарҳол маълум қилган ҳолда, истеъмолчига иссиқлик энергияси етказиб беришни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

42. Тўлиқ етказиб берилмаган иссиқлик энергиясининг миқдори ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади. Чеклаш вақти иссиқлик таъминоти корхонаси диспетчерлик хизматининг оператив дафтаридаги ёзувлар бўйича аниқланади ҳамда икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

Иссиқлик таъминоти корхонасининг айби билан истеъмолчининг технологик эҳтиёжларига иссиқлик

энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги, ҳисобга олиш приборлари бўйича, иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаган суткадан олдинги 3 суткадаги иссиқлик энергиясининг ўртача суткалик истеъмоли билан иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаган суткада амалдаги истеъмол ўртасидаги айирма сифатида аниқланади.

43. Иссиқлик таъминоти корхонаси қуйидаги ҳолатлар оқибатида иссиқлик таъминотидаги танаффуслар, иссиқлик элтувчи параметрларининг пасайганлиги ва иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги учун истеъмолчилар олдида моддий жавобгар бўлмайди:

а) иссиқлик таъминоти корхонаси ускуналарининг ишдан чиқишига сабаб бўлган табиий ҳодисалар: момақалдироқ, бўрон, сув тошқини, зилзила, ёнғин, 48 соатдан ортиқ вақт мобайнида ушбу ҳудудда иситишни лойиҳалаштириш учун ҳисоблаб чиқилган ҳароратдан 3°C га ва ундан ортиқ паст бўлган ҳароратда ҳавонинг узоқ вақт совиб кетиши, бошланғич сув сифатининг ёмонлашиши;

б) истеъмолчи ходимларининг иссиқлик истеъмоли режимини ўзгаришига сабаб бўлган нотўғри хатти-ҳаракатлари;

в) мазкур Қоидаларнинг 42-бандида назарда тутилган иссиқлик энергияси етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиш шартларига мувофиқ истеъмолчи иссиқлик юкламаларининг шартномавий миқдорлари оширилишига йўл қўядиган ёки унинг учун белгиланган иссиқлик истеъмоли режимларига риоя қилмаган суткалар мобайнида паст параметрли иссиқлик энергияси етказиб берилганлиги

.VII. Иссиқлик таъминоти корхонасининг мажбуриятлари

44. Иссиқлик таъминоти корхонаси қуйидагиларга мажбур:

шартномага мувофиқ истеъмолчига иссиқлик

энергиясининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш, иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараларида буғ ва иссиқ сув параметрларининг шартномага мувофиқ бўлишини таъминлаш, уларнинг:

буғ (босим ва ҳарорат) бўйича - 5 фоиздан ортиқ (\pm);

иссиқлик берувчи қувурда сув ҳарорати бўйича - 3 фоиздан ортиқ (\pm);

сув босими бўйича:

иссиқлик берувчи қувурда - 5 фоиздан ортиқ (\pm);

орқага қайтадиган қувурда - 20 кПа дан ортиқ (\pm) четга чиқишига йўл қўймаслик. Бунда параметрлар ўртача суткалик миқдор сифатида ҳисобга олинади;

иссиқлик таъминоти корхонасининг айби билан тўлиқ етказиб берилмаган иссиқлик энергияси қийматини қоплаш. Тўлиқ етказиб берилмаган энергия ҳажми истеъмолчининг вакили иштирокида иссиқлик таъминоти корхонаси томонидан аниқланади ва далолатнома билан расмийлаштирилади;

истеъмолчиларнинг иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги, иссиқлик элтувчи параметрларини шартномадаги қийматларга нисбатан пасайганлиги тўғрисидаги ёзма аризаларини 10 кун муддатда кўриб чиқиш.

